

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ИТЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТ

“МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ФАЛСАФА” КАФЕДРАСИ

**В-5141500 – “Миллий ғоя, маънавият асослари ва
ҳуқуқ таълими” йўналиши битирувчиси**

УМУРЗОҚОВ ДИЛМУРОД_{нинг}
**“ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ КАМОЛ ТОПТИРИШДА
ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ ЎРНИ”** мавзусидаги

Б И Т И Р У В – М А Л А К А В И Й И Ш И

Илмий раҳбар: У.Мавлянов

Гулистон-2012

К И Р И Ш

I БОБ. БАРКАМОЛ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

1.1. Ёшлар тарбияси – долзарб масала

1.2. Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш

II БОБ. ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Тасаввуф таълимотида маънавий-ахлоқий тарбия масалалари

2.2. Нақшбандия тариқатида маънавий-ахлоқий камолот муаммоси

III БОБ. БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИДАН ФОЙДАЛАНИШ.

3.1. Ёшларни маънавий-ахлоқий камолотида Яссавия таълимотидан фойдаланиш

3.2. Кубровия тариқатида маънавий-ахлоқий тарбия масалалари

Х У Л О С А

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

КИРИШ

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, суверенитетини қўлга киритилганидан сўнг, ўзбек халқи, унинг маънавий маданияти мислсиз гуллаб-яшнаш имкониятига эга бўлди. Миллий уйғониш, асл миллий анъаналар ва маънавий қадриятларнинг тиклашга қаратилган давлат сиёсатининг олиб борилиши, ўзбек халқининг маънавий қуллик тузоқларидан озод бўлишига, унинг маънавий ижодкорлик қувватларининг барқ уриб ривожланишига, дунё ҳамжамияти маънавий маданияти тараққиётида ўзига хос ва муносиб ўрин эгаллашига олиб келмоқда. “Ўзбекистоннинг миллий-маданий ранг-баранглиги миллий ўзликни англашнинг ўсиши ва маънавий жиҳатдан қайта уйғониши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, – деб ёзади Президент И.А. Каримов, - жамиятни янгилаш, унинг очиклигининг қудратли омили бўлиб хизмат қилади, ҳамда республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шарт – шароитлар яратади”¹.

Президентимиз мустақиллигимизнинг маънавий-ахлоқий негизлари тўғрисида тўхталиб, бу негизлар “умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши; Ватанпарварлик”² эканлигини кўрсатиб ўтганлар.

Президент ҳақли равишда, диннинг Ўзбекистон фуқаросини тарбиялашдаги катта имкониятларига ишонади ва **«биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий-ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз»**, деб таъкидлайди. **«Лекин биз, - деб давом этади И.А.Каримов, - ҳеч қачон диний даъватлар**

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: 1992. –Б. 16.

² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 76.

хокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралаштириш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз».

Мавзунинг долзарблиги. Ўтмишнинг улуғ мутафаккирлари ҳаёт йўли, илмий мероси ва дунёқарашини ўрганиш ва тарғиб қилиш давримизнинг энг долзарб масалаларидандир. Президентмиз И.А.Каримов айтганларидек: “...заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-иждоий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим”¹.

Мустақил Ўзбекистонда миллий ўзликни англаш, маънавий, диний-ирфоний қадриятларни тиклаш йўли билан миллий онг ва тафаккурни шакллантириш, уларга замонавий руҳ бағишлаш, ўз миллий-маънавий қадриятлари билан фахрланадиган, ўзбек халқини жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ва муносиб ўрин эгаллашига эришиш маънавият соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Шу маънода миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган тасаввуфий меросимизни ўрганиш, тасаввуф тариқатлари назариётчилари ҳамда амалий фаолиятида илгари сурган маънавий баркамол шахс тарбиясига оид фикрларини замонавий талаблар остида тадқиқ этиш, нинг ижобий томонларидан ёшлар тарбиясида фойдаланиш давримизнинг энг муҳим масалалардан биридир.

Мазкур масала, яъни ёшларни маънавий-ахлоқий камол топтиришда тасаввуф таълимотининг ўрнини ўрганиш қуйидаги жиҳатларига кўра муҳим ва илмий долзарб мавзу ҳисобланади:

Биринчидан, миллий ғоя ва истиқлол мафкурасини шакллантириш, комил инсонни тарбиялаш илмий, тарихий ва ижтимоий долзарб мавзулардан эканлиги, бу борада халқимиз бой маънавий, фалсафий меросини, шу жумладан тасаввуф алломалари асарларида илгари сурилган ғояларни ҳар томонлама ўрганиш, кенг халқ оммасига етказишни тақозо этади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 41.

Иккинчидан, мавзу фақат тасаввуф алломалари ижоди, мероси ва дунёқарашига бўлган тарихий-фалсафий, диний-ирфоний қизиқиш туфайлигина эмас, балки ҳозирги ўзбек халқининг умуминсоний маънавий қадриятларини янада бойитиш, самарали ва фаол фойдаланиш тақозосига кўра ҳам долзарбдир.

Битирув-малакавий ишнинг мақсади – Ёшларни маънавий-ахлоқий камолотида тасаввуф таълимотининг ўрни ва ролини кўрсатиб беришдан иборат.

Битирув-малакавий ишнинг вазифалари:

- ёшлар тарбиясининг долзарб масала эканлигини асослаш;
- ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг асосий жиҳатларини тадқиқ этиш;
- тасаввуф таълимотида маънавий-ахлоқий тарбия масалаларининг ечилишини ўрганиш;
- Кубровия таълимотидаги ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғояларининг баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрнини тадқиқ этиш;
- Нақшбандия таълимотининг асосий томонларидан бири маънавий-ахлоқий камолот масаласи эканлигини асослаш;
- Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда яссавия тариқати ғояларидан фойдаланиш имкониятларини кўрсатиш;

Замонавий баркамол авлодни тарбиялашда нақшбандия ғояларидан фойдаланиш аҳамиятини кўрсатиб бериш ва бошқаларда иборат.

БМИнинг асосий илмий усуллари ва назарий асослари. Ҳозирги замон илмий билишининг махсус методологик талаблари: ишончли манбавий асослилиқ, ворисийлик, илмий холис ёндашиш ва баҳолаш, тарихийлик, мантиқий изчиллик, қиёсий таҳлил, фалсафий умумлаштириш каби усуллар ҳам ушбу битирув-малакавий ишнинг илмий-назарий, методологик асосини ташкил этади.

БМИнинг илмий янгилиги.

- ёшлар тарбиясида тасаввуфий ғояларнинг имкониятлари ва заруратининг асосланиши;
- замонавий ёшлар тарбиясида маънавий-ахлоқий тарбиянинг ўрнини кўрсатилганлиги;
- Кубровия тариқати ватанпарварлик ғояларидан замонавий баркамол авлодни тарбиялашдаги имкониятларининг асосланиши;
- Нақшбандия таълимотининг маънавий-ахлоқий тарбия борасида илгари сурган ғояларнинг тадқиқ этилиши;
- ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда ясавия ғояларининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатилиши;
- тарбия жараёнида нақшбандия ақидаларидан фойдиланиш усулларини асосланиши.

Битирув-малкавий ишнинг илмий ва амалий аҳамияти.

Битирув-малкавий ишда эришилган хулоса, натижалар, аниқланган материаллар Мовароуннаҳрда кенг тарқалган тариқатларда илгари сурилган умуминсоний қадриятлар, уларнинг етакчилари ижтимоий-сиёсий фаолияти, дунёқараши тўғрисидаги материаллар, кузатиш ва хулосалар Ўзбекистонда ўрта асрлар Шарқ фалсафаси, унинг даврлари, муаммоларини чуқурроқ ўрганиш имкониятини бериб, ҳозирги ёшларда диний-фалсафий қадриятларимизни чуқур билиш, улар даражасида шарқона зиёлилик ва миллий ғурур туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

БМИ материалларидан нафақат фалсафа фанини ўқитишда, балки бошқа ижтимоий фанлар: маънавият асослари, диншунослик, ахлоқшунослик, Ўзбекистон тарихи, маданиятшунослик, адабиёт ва санъат тарихи соҳаларида ҳам махсус курслар ўқишда, мазкур фанлардан маъруза ва семинар машғулотларга тайёргарлик кўришда, реферат, курс ишлари ва битирув-малакавий ишлар ёзишда ва ТМИлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

БМИ тузилиши ва ҳажми. Битирув-малакавий ишимиз кириш, икки боб, олти параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, --- бетни ташкил этади.

Ї БОБ. БАРКАМОЛ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

1.1. Ёшлар тарбияси – долзарб масала

Мустақиллик йилларида Республикамизда бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Бу Республика Президенти ва ҳукуматининг Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида олиб бораётган доно сиёсатининг амалий натижасида ўз аксини топмоқда.

Комил инсонни вояга етказиш – жамият тараққиёти, Ватан равнақи йўлида муҳим аҳамият касб этиб, бу масалаларни ҳал этиш бутун жамият аъзоларининг, шу жумладан, таълим-тарбия ва илм-фан соҳаси вакиллариининг зиммасига масъулиятли вазифаларни юклайди.

Президентимиз И.Каримов ибораси билан айтганда,-«...жамиятимиз мафкураси, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг маъно-мазмунини белгилаб беради.

Эндиги энг долзарб вазифамиз - бу жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги-янги қирраларини мукамал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бериш ва уларни янги ҳаёт, замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол ва жўшқин иштирокчиларига айлантиришдан иборат».

Ёшлар – мамлакатимиз таянчи, тараққиётимиз кафолати. Ёшларни Ватанга, ота-онага, маданий меросга, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгида турли ёлғон ахборотлар ва ғоялар исканжасига тушмаслик ва чалғимаслик туйғусини уйғотиш зарур. Зеро, пировард натижа – мамлакатни юксалтириш, миллатимиз анъаналарини давом эттириш, уни жаҳон халқларига танитиш ва улар орасида муносиб ўринни эгаллаш келажак авлод зиммасига масъулиятли вазифаларни юклайди.

Ҳозирги замонда жаҳон бўйича кенг тарқалиб бораётган диний мутаассиблик, сиёсий муаммоларни ҳал этишнинг асосий воситалари сифатида куч ишлатиш ва зўравонликни тан олиш, ўзининг ижтимоий ва диний қадриятларини бошқалардан устун қўйиш ғоялари ва концепциялари терроризм ҳамда диний экстремизмнинг ғоявий-маънавий асосларини ташкил қилади. Уларга қарши курашда халқимизнинг бой ижтимоий-фалсафий ва маънавий меросимизнинг таркибий қисми бўлиб келган тасаввуф тариқатларининг халқчил ғоялари яхшигина хизмат қилиши мумкин.

Тасаввуф ўз вақтида ислом динининг вужудга келиши ва кенг тарқалиши, унинг кейинги мустаҳкамланиш ва ривожланиш жараёни билан маҳкам боғланган ҳолда пайдо бўлди ва ривожланди, давомли тарихий йўлни босиб ўтди. Тасаввуфнинг илк таълимотлари IX-X асрларга мансуб бўлиб, ислом дунёсида ўша даврдаги ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларга жавоб тариқасида пайдо бўлган.

Араблар Марказий Осиёни босиб олиш даврида унинг халқларини оғир аҳволга солганлари ҳақида Абу Райҳон Беруний ҳам ғазаб билан қайд этганлиги маълум. “Тасаввуф фалсафаси ана шу ижтимоий адолатсизликка қарши норозилик кайфияти сифатида шаклланди. Бу оқим вакилларининг диний-фалсафий қарашларида одамлар ўртасида тобора чуқурлашиб бораётган тенгсизлик ва адолатсизликни қоралаш, ҳаммани ўзининг кучи билан кун кўришга чақириб ғоялари илгари сурилди. Тасаввуф фалсафасида ижтимоий гуманистик фикрлар устунлик қилар эди”¹. Унинг сиёсий ва диний арбоблар томонидан қабул қилиниши бир хил бўлмади, айрим ғоялари бидъат деб баҳоланди. Хусусан, мутаассиб дин арбоблари ва уламолари томонидан худосизликда айбланган энг йирик мутасаввиф олимлардан бири бўлган Мансур Халлож (858-922) қатл этилди. Бу ҳам ўзига хос диний-маънавий муаммоларни куч ишлатиш, зўравонлик воситасида ҳал қилишнинг

¹ Ориф Усмон. Башоуддин Наъшбанд ва унинг таълимоти шайхонида. – Т.: Университет, 1993. –Б.4-5.

энг ёрқин мисолларидан бири сифатида келтирилиши мумкин. Бу воқеа тасаввуфий асарларда диний мутаассибликнинг илк қурбонларидан бири номини тилга олиш орқали эслатилади ва у ёки бу шаклда қораланади. Лекин кейинчалик тасаввуф таълимотининг моҳияти ва мазмуни ислом динининг манфаатини ёқлашга қаратилгани, жамият ва шахс маънавиятини мустаҳкамлашга йўналтирилгани яққол намоён бўлгандан кейин, унинг тариқатлари кўпая бошлади, уларнинг кенг тарқалишига имконият очилди. Бунинг сабабларидан бирини тасаввуфнинг деярли ҳамма оқимларини бирлаштиришдаги тамойилларини зуҳд ва худо висолига етишиш ҳақидаги таълимотларидан ташқари, уларнинг зулм ва зўраволикка қарши қаратилган ғоялари ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмаслик, ўзгаларга ёрдам бериш, сахий ва сабр-қаноатли бўлиш, ҳалол меҳнат қилиш, комил инсон даражасига эришиш йўллари кўрсатиш билан боғлиқ бўлган саъй-ҳаракатлари ҳам ташкил этади. Ислом томонидан тасаввуфга муносабатнинг ўзгариши, унинг мазкур ғоялари ушбу диннинг тарқалишини нафақат истилочилик ва ҳарбий юришлари билан таъминлаш кераклиги, балки халққа тушунарли ва ёқимли бўлган маънавий-ахлоқий воситаларни ҳам кенгроқ ишлатиш лозимлиги аён бўлиши билан ҳам боғлиқдир. Албатта, ўша даврларда ислом динини тарқатиш жараёнида ҳарбий юришлар давомида ҳар хил ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий воситалардан фойдаланилган. Лекин тасаввуфий ғоя ва таълимотлари ушбу воситаларни ўзига хос инсон камолотига олиб борадиган йўللарни кўрсатиш билан бойитган. Уларнинг бу ғоялари ҳамма тарихий даврларда ва ижтимоий-маънавий шароитларда ўзига эътибор қаратган бўлиб, ҳозирги замонда эса террорчилик ва диний экстремизм ғоялари кенг тарқалиши муносабати билан алоҳида долзарблик касб этмоқда. Айтиш керакки, ушбу жиҳатдан ҳозирги кунда Марказий Осиё, хусусан, ҳозирги замон Ўзбекистон худудида кенг тарқалган кубравия, яссавия, қодирия ва нақшбандия тариқатлари айниқса аҳамиятлидир.

XXI асрнинг шиддатли тараққиёт мантиғи дунё ва жамиятимизда тамоман ўзгача манзарани таркиб топтирмакда. Кўз ўнгимизда шиддат билан ўзгараётган дунё қатор янги сифатларга эга бўлди. Биринчидан, дунёнинг ҳаёт мароми, умр суръати тезлашиб, жўшқин мазмун касб эта бошлади. Иккинчидан, бозор талаблари ҳамма нарсага сергаклик билан ёндашиш, ҳисоб-китобни қатъий олиб бориш заруратини кун тартибига чиқазди. Учинчидан, дунё жараёнлари билан доимий ҳисоблашиш атроф мамлакатларда юз бераётган жамики воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш заруратини муҳим талаблар даражасига чиқарди. Тўртинчидан, ҳар бир сиёсий гуруҳ, жамоа ёхуд алоҳида инсоннинг дунё жараёнларига бевосита таъсир кўрсатиш имкониятлари беҳад ўсди. Бундай шароитда одамларнинг тор, биқик муҳитда яшаш ва фаолият кўрсатишлари, фақат ўз анъаналари доирасида турмуш кечиришлари мумкин бўлмай қолди.

Дунё ўзгаришларининг муққарар мантиғи жамият ва фуқароларга ҳам ўз турмуш тарзларини мутаносиб ўзгартиришларини қатъий талаб қила бошлади.

Презедентимиз И.Каримов шахсни фаоллаштиришда уч асосий тамойил, яъни, маънавият, маърифат ва одоб-ахлоқ омилларининг фавқулодда зарурлигини алоҳида қайд этади. Айни чоғда, мазкур тамойилларнинг ўзаро мутаносиблиги, ички уйғунлиги, оқилона меъёрларда тақсимланиш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Юртбошимиз мазкур тамойилларнинг уйғун мутаносибликда амал қилиши фақат тизимий тартиботлар юзага келтирилгандагина самара беришини таъкидлайдилар.

Шу боисдан ҳам, Ўзбекистонда халқимиз маънавий яхлитлигини сақлаб қолиш, ўзликдан чекинмаслик, соф инсоний фазилатларга таяниб иш тутиш асосида истиқболга интилишдан иборат кенг кўламдаги ижтимоий сиёсат изчил юргизилмокда.

Истиқлол туфайли одамларнинг ўз тақдирларини ўзлари эркин белгилаш имкониятларига ҳам кенг йўл очилди. Шу йўналишда одамларнинг

индивидуал равишда камолотга, фаровонликка, тўкинликка интилиш хусусиятлари ҳам равшан намоён бўла бошлади. Жамиятда юз бераётган ана шу ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш мақсадида юртбошимиз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати йиғилишида сўзлаган нутқларида бунёдкорлик, яратиш йўлида қилинувчи барча саъй-ҳаракатларга кенг йўл очиш зарурлигини алоҳида қайд этган эдилар.

Айни чоғда тан олиш жоизки, жамиятимиздаги баъзи одамлар ижтимоий маънавий, интеллектуал янгиланишлар жараёнларига етарли даражада фаол иштирок этмаяптилар. Бизнинг назаримизда, бунга асосий сабаблар қуйидагилар: биринчидан, одамларда собиқ тузум асоратлари, эскича тафаккур қилиш хусусиятларининг сақланиб қолаётганлиги; иккинчидан, одамларда ташаббускорлик, янги-янги фаолиятларни бошлаб юборишдан чўчиш, ҳадиксираш туйғусининг мавжудлиги; учинчидан, янги фаолиятларни бошлаш учун етарли билим ва малакаларининг етишмаслиги, хорижий тилларни билмаслик ва замонавий алоқаларга киришиш воситалари, ранг-баранг коммуникациялар тизимларига боғланиб ҳаракат қилиш малакасининг сустлиги, компьютерлардан фойдаланиш бўйича саводхонликнинг пастлиги; тўртинчидан ва энг таассуфлиси ана шу камчиликларни тез бартараф этиб ишга киришиш учун шижоатнинг сустлигидир. Шу ўринда халқимиз менталитетида миллий шижоат фазилатларини мамлакат тарбия тизимининг барча бўғинлари (оила, маҳалла, мактаб, университетлар, ишхоналар, оммавий ахборот воситалари, телевидение ва радио) орқали тизимий равишда таркиб топтириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан эканлигини алоҳида қайд этиш жоиз деб ҳисоблаймиз.

Шу боисдан, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси олдимизга қўйилган улуғвор вазифаларни ҳал этишда ғоят долзарб масала ҳисобланади. Шахсни ривожлатириш учун жамиятимизда барча имкониятлар ҳозирланган. Ҳамма гап бу имкониятлардан одамларнинг нечоғлик фойдалана

олишларидадир. Бунинг учун ҳозирги пайтда умум жамият миқёсида ҳар бир шахс учун индивидуал тараққиёт дастурларини таркиб топтириш кун тартибидаги масала ҳисобланади. Индивидуал тараққиёт дастурлари барча мактаблар ўқитувчи ва ўқувчилари, университетлар талабалари, ишхоналар (давлат ва нодавлат ташкилотлар) жамоат ташкилотларида фаолият юритувчи ходимлар учун умумий тарзда жорий этилмоғи ва унинг изчил бажарилиши устидан қатъий жамоат назоратини ўрнатиш, ойма-ой мазкур дастурнинг бажарилиши мониторингини ошкоралик асосида амалга ошириб бориш, бу фаолиятларни оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидения орқали кўрсатиб, эшиттириб, оммавийлаштириб бориш, шубҳасиз, ижобий самаралар беради.

Ёшлар тарбияси – ҳар бир одамнинг имкониятларини амалга ошириш, уни кучайтириш ҳам демакдир. Бу эса ҳар бир кишига хос биологик, психологик ва интеллектуал салоҳиятни кучайтиришни тақозо қилади. Бу жараённинг пишиқ, пухта бўлиши, бир маротабалик тадбир бўлиб қолмаслиги учун илмий асосга қурилмоғи керак. Яъни ёшлар тарбиясини такомиллаштиришнинг назарий, эмпирик асосларини яратиш, уларнинг ижтимоий ва меҳнат фаоллигини, жамиятни бошқаришга реал жалб қилишнинг ижтимоий механизмларини ишлаб чиқиш, шахс манфаатларини ифодалашнинг ошкоралигини таъминлаш зарур.

Ёшлар тарбияси фаол бўлмаса, миллатимиз олдида турган биронта улкан вазифа уддаланмайди. Ёшлар тарбиясининг ижтимоий тараққиётдаги ўрни деганда нималар назарда тутилади? Назаримизда, булар: ёшларнинг ўз фаолияти, муносабатларида намоён бўладиган кайфияти; туйғулари; якка ва гуруҳ шаклидаги хулқ–атворлари; нима (ким)ларга тақлид қилиши; эътиқоди; қобилиятлари; лаёқат ва мотивлари; теvarак-атрофга муносабатлари; одамлар орасидаги муносабатлар; жамоадаги маънавий муҳит; ёмон иллатлар ва бошқалар киради. Ижтимоий-гуманитар фанлар юқоридаги ҳолатларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ва ривожланиш

қонуниятларини ўрганиши лозим. Ёшлар тарбияси билан боғлиқ назарий муаммолар ва амалий вазифалар аниқ ижтимоий–гуманитар фанларнинг комплекс тарақиётини ташкил қилади. Ушбу комплексда маънавият, миллий ғоя қудратли омил ҳисобланади.

Миллий ғоя ва мафкурани ёшлар онгига сингдириш нафақат ижтимоий-гуманитар, балки барча фанлар ва ўқув-тарбиявий ишларнинг, шунингдек, ахборот тармоқларининг ҳам асосий мақсад, вазифаларига киради.

Президентимиз Ислом Каримов миллий ғоя ва мафкуранинг мақсади ҳақида фикр юритиб, уни шундай таърифлайди: “Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, аجدодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир”.

Юртбошимиз миллий ғоянинг вазифаси ҳақида тўхталиб шундай деган эди: “Мен миллий истиқлол ғояси бугун тез суръатлар билан ўзгараётган дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимиз, қандай буюк аجدодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканимизни ҳис этиб яшашга, бу бойликни асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон тараққиёти ютуқлари билан озиқлантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур деб биламан”.

Ҳаёт сабоғининг гувоҳлик беришича, бизнинг мухолифларимиз, турли ёт ғояларни тарғиб қилувчилар асосий эътиборни ўрта умумий таълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларига, академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчиларига қаратиб, уларга зарарли мафкураларни сингдиришга уринмоқдалар. Ғояга қарши ғоя билан жавоб қайтаришлик учун, биз

ёшларимизда ақидапарастликка нафрат уйғотувчи, унинг ғояси пуч эканлигини, диний фантазия асосига қурилган сароб эканлигини англатувчи иммунитетни шакллантиришга алоҳида эътиборни қаратмоғимиз лозим.

Ёшларни миллий ғоя ва мафқурани назарий жиҳатдан чуқур англайдиган шахслар қилиб тарбиялашдан ташқари, мафқуранинг фаол тарғиботчилари қилиб ҳам камол топтиришимиз керак. Бунинг учун уларга тарғибот-ташвиқот услубиятини, кўникмаларини, санъатини, маҳоратини ўргатишимиз лозим. Ана шундагина бизнинг шогирдларимиз диний экстремизм ва ақидапараст кучларнинг ғояси, таълимоти эканлигини кўрсата оладиган руҳан тетик, маънавий баркамол, комил инсонга айланажак.

Шунингдек, оиладан ташқари таълим тизими, меҳнат жамоалари, жамоат жойларида юзага келадиган соғлом ижтимоий муносабатлар, шунингдек, жамиятда қарор топган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муносабатлар мажмуаси инсон ҳаёти фаолиятининг ижтимоий ва руҳий, маънавий ва ахлоқий муҳитни юзага келтиради. Шундай экан, ёшлар таълим-тарбиясида оила, боғча, маҳалла билан бир қаторда ўқув муассасаларининг ҳам роли салмоқлидир. Буларга мактаб, ўрта-махсус ва олий ўқув юртлари ҳамда бошқа маърифий ва маданий-оқартув муассасалари киради. Таълим-тарбия муассасаларидаги ёш авлод тарбияси соғлом бўлса, ёшларнинг маънавий-ахлоқий сифатлари, ҳаётга тайёргарлик даражаси ва билим-савияси ҳам юқори бўлади.

Истиқлолимизнинг илк кунларидан бошлаб, эски қотиб қолган мафқуравий ақидалардан воз кечишга, маънавий янгиланишга, одамларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғояси тамойилларини сингдиришга қаратилган аниқ сиёсат олиб борилмоқда. Мамлакатимиздаги асосий ижтимоий ўзгаришлар шундан иборатки, янги ижтимоий гуруҳ-ўрта синф, мулкдорлар синфини шакллантиришга катта эътибор берилмоқда. Президент И. Каримов таъкидлаганидек, “Жамиятнинг асосини, унинг ижтимоий таркибини ҳақиқий ўрта мулкдорларнинг кенг қатлами ташкил этган

тақдирдагина, жамият барқарор бўлади, гуллаб яшнайти. Аниқ-равшан кўриниб турган бу ҳақиқатни бугун ҳеч ким инкор этолмайди”¹.

Ҳар бир миллат, ҳар бир халқнинг ўз манфаатлари, ўз мақсад ва орзу-идеалларига эга бўлиши табиий. Миллий ғоя Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакиллариининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади.

Ҳар бир инсоннинг оламга, жамиятга нисбатан ўз муносабати, қараши, назар ташлаш мезонлари бўлади. Шу маънода, ҳар бир шахс, жумладан ёшларимизнинг ҳам ўз нуқтаи назарига эга бўлиши ниҳоятда муҳим. “Янги мафкуранинг асл маъноси, – деб ёзади Президентимиз Ислам Каримов, – эскича ақидалардан ҳоли бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялашдан иборатдир. Бусиз жамиятимизни демократик тараққиёт йўлига олиб чиқиб бўлмайди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг бир қолипга солинган тоталитар тузум дунёқараши тазйиқидан қутулдик. Аммо «тафаккур инерцияси» деган тушунча ҳам борки, у туфайли биз ўрганиб қолган, эскича дунёқарашдан батамом халос бўла олмаяпмиз”. Миллий истиқлол ғоя ўзининг ҳаётий тамойиллари билан одамларимиз онгидаги ана шу мафкуравий кишанлардан қутилишга ёрдам беради. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, “Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз сохта мафкуранинг яккаҳокимлигидан қутилдик. Маънавиятни, мафкурани зуғумлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик. Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончи ортиб боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқидан, қулликдан қутилмаса, инсон тўла озод бўлолмайди”.

Агар “тарбия” тушунчасининг туб маъносига эътибор берадиган бўлсак, бу – инсоннинг ўзи ва ўз хулқи ҳақидаги тасаввурининг тўғри ва холис бўлишини таъминловчи мураккаб жараёндир. Яъни тарбияланган одам

¹ Каримов И.А. Халқимиз жипслиги-тинчлик ва тараққиёт гарови. “Туркистон” газетаси, 1998 йил, 29 август.

тарбиясиз одамдан шуниси билан фарқ қиладики, биринчиси, у ўзини ким эканини, амалга ошираётган кундалик ҳатти-ҳаракатлари, амаллари, ўй-фикрлари ўзи ва ўзгалар учун қанчалик манфаатли, фойдали эканлигини англайди. Ўзини нохуш ҳаракатлардан тияди ва назорат қила олади.

Ёшлар тарбиясининг муҳим йўналиши – бу ғоявий тарбиядир. У – инсон онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадий, касбий қарашларни мақсадли шакллантириш жараёнидир. Ҳар қандай тарбия жараёни, охир-оқибат ўз мақсад-моҳиятига кўра ғоявий тарбиядир. Чунки оилани оламизми, болалар боғчасиними, маҳалла, мактаб, коллеж, лицей, университет ёки академияни оламизми, бу тизимдаги ҳамма бериладиган таълим ва тарбия жараёнлари талаба ва тингловчилар дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг онгини илмий асосланган билимлар билан бойитиш ҳамда жамият учун, унинг равнақи учун зарур бўлган инсонийлик сифатларини камол топтиришга йўналтирилган бўлади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, жамият тараққиётида, айниқса ҳозирги кунда, мафкуравий полигонлар ядро полигонларидан кучлироқ бўлган шароитларда ёшларни замон талаблари ва миллий маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялаш ўта муҳим масалалардан биридир. Бу борада халқимизнинг минг йиллик тажрибаси, диний, хусусан, тасаввуфий меросимизда мазкур масалага бағишланган қарашлар ва таълимотларнинг ўрни беқиёсдир.

1.2. Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш

Ислом дини тасаввуф фалсафасида инсонни инсонийликни улуғлайди, уни оламнинг гултожи, Оллоҳнинг ердаги халифаси сифатида таърифлайди. Инсон ўзлигини билишга интилиши, Оллоҳни билишга интилиши, Олоҳнинг билиши - ўзлигини билиши, илм ўзни билмоқ эканлигини асослашга ҳаракат қилади. Ислом дини нафақат инсон одоби ва унинг турмуш тарзи, балки давлат ва жамият, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар, юрт пешвосининг маънавий қиёфаси, сиёсатдаги адолат мезони, сўз ва фикр эркинлиги каби мураккаб ижтимоий масалалар хусусида ҳам бениҳоя ҳаётий тажриба ва сабоқлар беради. Шу боисдан ҳам бу ўлмас қадриятлар бугунги янги давлатчилигимизни қурилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Тасаввуф таълимотида инсон руҳий камолотга эришишининг асосий йўллари 4 босқичдан иборат деб ҳисоблайди: 1) шариат, 2) тариқат, 3) маърифат, 4) ҳақиқат¹.

Инсон маънавияти бамисоли узукка қуйилган кўздек. Одамзот мавжуд экан, маънавиятсиз яшай олмайди. «Агар бизда инсонийлик бор экан, унда бутун дунёда инсонийлик бордир» деганида шоир ҳақ эди. Худди шунга ўхшаб, ҳар бир халқ, миллат ва маънавий ва руҳий оламини бойита бориб, ўз тажрибаларини бутун афкор оммага улашади. Умумисоний деган номни шундай олади.

Маънавий ва руҳий уйғунлик нима? Масалан, муайян бир киши ўз баркамоллиги йўлида кўпроқ қайғуриб, оддий инсоний муносабатлар, ёки, жамият олдидаги азалий бурч, вазифалардан четланиши, бир ёқлама ривожланиши мумкин. Хусусан, ҳар биримиз табиат фарзандимиз, буни ҳам унутмаслик лозим. Айни пайтда ҳар кишининг ўз табиати, худо берган табиийхусусиятлари бор. Инсон моҳияти деганда шулар кўзда тутилади. Шахс сифатида эса у орттирган тажриба натижасида эришилган сифатлар эгаси бўлади. Инсон ўз ички олами, табиат ва жамият билан уйғунликда

¹ Диншунослик асослари. Т.: «Ўзбекистон», 1995, 87-бет

яшашга ҳаётӣ тажриба орқали эришилади. Айниқса маънавияти бой одам бунга тезроқ муваффақ бўлади, фақат ҳаётини тўғри йўлга солиб олиши лозим.

Шарқда ҳаётга муносабат, ахлоқийлик, маънавий изланиш ва камоллик фалсафаси асосига қурилган. Бу фалсафага кўра бахту саодат ва эзгулик сари интилиши, шу тамойиллар заминида ҳаёт кечириши лозим бўлган ягнона мавжудотдир. Чунки унда бошқа жонзотлардан фарқ қиладиган, улардан юксакроқ турадиган борлиқни англаш, тушуниш қобилияти мавжуд. Шарқда шаклланган бой маънавият ва маърифат инсоният тарихининг турли даврларида, турли минтақаларда кескин бурилишга сабаб бўлган тараққиётга пойдевор яратган. Азалдан шу заминда нодонлик ва хурофот қораланган, маърифат ва тафаккурга кенг йўл очиб берилган.

Шарқда азалдан маънавиятга таяниб яшаш, комилликка интилиш, ҳар томонлама баркамоллик олий қадрият даражасига кўтарилган. Одамларнинг миллати, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъи назар, ўлчов – инсоннинг инсонлигини улуғлаш, инсон деган муқаддас номга муносиб бўлиш бош мезон қилиб олинган. Шу билан бирга ҳар қандай жамият тараққиёти халқ дунёқарашини ҳисобга олмаса, унинг эҳтиёжларига мос келмаса, таназзулга учраши табиий. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов: «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигигадир», - деган эди.

Шарқ тарбия мактаби ва ислон ақидалари ҳар қандай шароитда ҳам ўзини йўқотмасликни, сабр-қаноат, оғир-вазминлик фазилатларини юксак қадрлайди. Бироқ, баъзан халқимизнинг ана шундай иносний фазилатлари нотўғри талқин этилади. Унинг мушоҳадалилиги ва мулоҳазакорлигига кўпинча бошқача тус бериб, кўрқоқликка, тобеликка, мустамлакачиликка ва бюрократия тазйиқи остида шаклланган қуллик иллатларига йўйилади. Албатта, бу фикрларда ҳам жон бор. Бироқ бизнинг табиатимизда бесабрликдан кўра қаноат, жаҳолатдан кўра иймон-эътиқод билан яшаш,

эртанги кунга ишонч билан қараш кучли. Эзгуликка интилиш, барча ҳодисалардан яхшилик қидириш фазилати чуқур илдиз отган. Шунинг учун ҳам халқимиз яхшилик йўлидаги жамики ҳодисаларга иймон-эътиқод билан ишонади.

Маълумки, шарқ маънавий-ахлоқий тарбияси оиладаги муносабатдан бошланади. Ота-онанинг муқаддаслиги, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, ўзаро муносабатларда ҳурмат-эҳтиромнинг устунлиги каби олий фазилатлар турли сиёсий режимларда, турли мафкуравий тазйиқлар остида ҳам ўз қийматини, мазмун-моҳиятини йўқотмайди.

Шарқда маънавий-ахлоқий тарбия узвий равишда ва аста-секин тараққий топиб келган. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга урунишлар ғоят нохуш, ҳатто фожеали натижаларга олиб келади. Инқилобни Ғарб олимлари ҳам «ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди, деган эди Ислом Каримов.

Шарқ фалсафаси аввал бошдан бошлабоқ асосан инсон руҳиятини, унинг маънавий-ахлоқий тарбиясини билишга, одамларнинг ўзаро муносабатларини англашга эътибор берган. Ғарб фалсафасининг асосий мақсади эса ташқи дунё табиатини билишга инсонларнинг табиатидаги ўринни аниқлашга қаратилган эди.

Шарқ ўз тафаккурида инсонинг ижтимоий аҳволини нисбатан иккинчи ўринга суриб, унинг маънавий-ахлоқий камолотига эътибор берган. Ғарб тафаккури эса инсонинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга асосий диққатни қаратган. Бунинг оқибати ўлароқ Европанинг йирик давлатлари XV асрнинг ўрталаридан бошлаб тараққиётга жумладан техник раванқда Шарқдан олдин кетиб, дунёнинг деярли барча қитъаларида янги-янги ҳудудларни эгаллашга киришганлар.

Келажаги буюк давлатни маънавияти, ақлий қобилияти юқори савиядаги кадрлар қуради. XX асрнинг энг йирик мутафаккирлардан бири Эрих Фромм

шундай огоҳлантиради: «Агар маълум жамият кишиси ижтимоий воқеликни идрок этолмаса, бунинг ўрнига мияси ҳар хил ҳаёллар билан тўлдираверса, ўзи, оиласи ёки дўстларига оид воқеликни тушуниш ҳам чек-чегарали бўлади.у ярим мудроқ ҳолда юради, ҳар томондан келаётган фикрларни қабул қилиш ва ишнишга тайёр яшайди, таклиф қилинган уйдирмаларни ҳақиқат деб билади».

Тарбия одамларнинг ички мавжуд имкониятларини, ирсий туғма қобилиятларини рўёбга чиқаришдир. Ўқитувчининг илк вазифаси ҳам шунда. Маънавият оламида бир ёклама, бошқа нарсалар ҳисобига ривожланиб кетмаслиги керак. Улуғ мутафаккир, буюк санъаткор бўлиб етишиш мумкин, лекин ҳақиқий инсон бўлиш қийин, деган ҳикматнинг мазмуни ҳам фикримиз далилидир.

Инсонни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уни ривожлантиришнинг аниқ қонуниятларини ишлаб чиқиш педагогика фани зиммасига тушади. Педагогиканинг предмети шахсни ривожлантириш билан тарбия ўртасидаги қонуниятни аниқлаш ва шу асосда тарбиявий фаолиятнинг назарий ҳамда услубий асосларини ишлаб чиқишдир.

Рус шарқшуноси Е.П. Блаватская: «Шарқ тарбияси анъанасининг асосида бирдамлик ва уйғунлик фалсафаси ётади. Шарқда Устоз ўз шогирдларига «бир қўлнинг бармоқлари сингари» бирдам ва уйғун бўлиш руҳини сингдиради», - дейди. Рус шарқшунос олимларидан яна бири С.Ф. Олденбург фикрича: «Ғарб моддий маданият борасида Шарққа нисбатан қанчалик даражада улуғ ва буюк бўлса, маънавият борасида шу даражада тубан ва аянчлидир». Инсониятнинг ҳақиқий умумбашарий маданияти Ғарб цивилизацияси ва Шарқ маънавиятининг қўшилиши асосида яратилиши мумкин. Ғарбчилик руҳиятида шўро ижтимоий фани илмийликка эмас, балки мафкуравийликка асосланган эди. Қадимги Шарқ деганда Европанинг кўпроқ мулоқтда бўлган Миср, Бобил ва Ғарбий Осиё тушунчалар ва уларнинг фақат тарихи билангина чекланиб қолинарди. Умуман баркамол инсоннинг

шарқона фазилатларини тушунтиришда бир-бирига зид бўлган 2 та концепция ётади:

Мустақил Ўзбекистонда таълим-тарбия ишларини тўғри йулга қўйиш миллий ва умуминсоний қадриятларнинг барча имкониятларидан тўла ва самарали фойдаланишни тақозо этади. Жаҳон халқларининг илғор маданияти миллий маънавиятимизни янада юксак даражага кўтаришга ижобий томонларидан қанчалик фойдаланмайлик, бари бир ўзбек миллий қадриятлари маънавий камолотимизнинг асоси бўлиб қолади.

1997 йил 29 августда республика Олий Мажлис IX сессиясида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинади. Унда мамлакатимиз Президенти Ислам каримов «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» эканлиги тўғрисида нутқ сўзлади.

Шўро замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос камчиликлар: мафкуравий қарашлардан қутилмаганлик, узлуксиз таълим-тарбиянинг очилмаганлиги ва тараққий этган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмаслигидир. Таълим-ўқув жараёнларида етарли ўрин олмади.

Ўзбек халқининг бағрикенглик фазилати, миллат менталитетининг асосий жиҳатларидан биридир. Халқимизнинг ҳаётга катта иштиёқ билан ёндашуви, табиат ва жамиятга хос барча қадриятларга чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлиши, турли эл, элатлар вакиллари, маслаги, характери, ғоявий қарашлари ранг-баранг бўлган фуқаролар билан мулоқотларга кириша олиши ҳамда бу муносабатларни мустаҳкамлай билиши каби фазилатлари ғоявий тарбия жараёнида ҳам муҳимдир. Халқимизнинг онига миллатимизга хос бўлган миллий фазилатларни сингдиришда оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, касбий, ижодий, диний уюшмалар, давлат муассасаларининг ўрни катта.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, «Келажак ёшлар қўлида, ёшларга эътибор келажакка эътибор» дир. Ҳозирги шароитда жамиятимизда ёшлар

ўртасида миллий ва умумбашарий қадриятларга бўлган, Ватанга бўлган муҳаббат туйғуси, фидоийлик шаклланмоқда.

Олам ва одам яратилганидан шу кунга қадар нимаики қадри билан мерос ҳисобланган бўлса, барчаси маърифат туфайли мангуга муҳрланган. Оламдаги ўзгаришу кашфиётлар, узлуксиз тараққиёт ҳам маърифатининг куч-қудратидандир. Халқимиз азал-азалдан маърифатни бахт-саодатга элтувчи ягона йўл деб билган.

Маънавий баркамол, маърифатли, жисмоний соғлом, ўзининг ҳаётдаги ўрни, бугунини англайдиган инсонларни тарбиялаш умумдават аҳамиятидаги вазифа ҳисобланади. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан маънавий ва маърифий масалаларга катта эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни фақат бой маънавиятга эга бўлган, табиат ва жамият ҳамда улар ривожига ҳақидаги билимлардан хабардор, эътиқодли кишиларга таянган ҳолда барпо этиш мумкин. Президентимизнинг «Ақлий заковат ва руҳий маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир»¹ деган фикрлари жамият ва инсон муносабатларида маърифат кўпригини бунёд этиш, таъбир жоиз бўлса, ёш авлодни катта ҳаётга шу кўприк устидан олиб ўтишни вазифа қилиб қўяди. Маънавият кенг қамровли тушунча бўлиб, у жуда кўп соҳаларни ўз ичига олади. Маърифат, маданият, мафкура, тарбия ва бошқалар шахс маънавиятининг шаклланишида, албатта, юқорида айтилган соҳаларнинг ҳам таъсири бор. Инсон маълум бир тарихий даврда яшар экан, ўша давр руҳи билан суғорилади ва албатта, маданият, санъат, маориф, мафкура орқали тарбия топиб боради. Бизнинг орамизда ҳам ҳозирги маълум бир иқтисодий қийинчиликларни кўриб ўзларича собиқ шўро даврининг «коммунизмча» ҳаётини қўмсаётганлар ҳам йўқ эмас. Президент И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган

¹ Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б. 310.

тантанали маросимдаги маърузаларида “Бугун юртимизда демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида амалга оширилаётган катта-катта ўзгаришларни нафақат ҳаётимизни четдан кузатадиган одамлар, ҳатто ғанимларимиз ҳам инкор этолмайди. Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун деган теран маъноли фикрни асло унутмаслигимиз керак”¹. Лекин биз очикчасига айтайлик - бизнинг кўзимизни мустақиллик қуёши очди. Бобонг ким деса, Ленин дедик, ўз боболаримизни босқинчи, босмачи дейишарди - ишондик. Дўппи кийишга ор қилдик ёки кўркдик, 40 кокилни тагидан қирқдик. Тилимизни йўқотишимизга сал қолди, маданиймиз деб кийимларимизни ҳам ўзгартириб юбордик. Ахир, буларнинг ҳаммасига ўзим гувоҳман ва ўша жамиятнинг одамиман. Кеч бўлса ҳам кўзимиз очилди ва ҳозирги кундаги маънавий, маърифий ишлар бугунги ёш авлодни миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий ғоя билан суғормокда. Буларнинг орасида менинг фарзандларим ҳам борлигидан, улар ўз тилларида қийналмай, ўз фикрларини баён қилишлари, боболари Амир Темур, Яссавий, Ибн Сино, Ал Фарғоний, Улуғбек ва Бобурни фахр-ифтихор билан тилга олишлари, уларнинг асарларини ўқишлари бу бир бахтдир. Демак, жамиятдаги мафкура инсон маънавиятига таъсир қилмай қолмайди. Шунинг учун инсон маънавияти ва жамият маънавий қиёфаси доимо муштаракдир.

Ёшларимизни энг улуғ миллий маънавиятимиз руҳида, жаҳон миқёсида ўз мавқеини ҳамиша сақлаб қоладиган – шу муқаддас ҳис-туйғуларни теран идрок этадиган, хуллас, шахсий манфаатларини, эл юрт манфаатлари билан уйғун ҳолда биладиган инсон сифатида тарбиялашимиз зарур.

Демак, кишиларнинг маънавий дунёсини бойитмасдан, уларда ахлоқий онглиликни, миллий ва умуминсоний ахлоқий фазилатларни ривож топтирмасдан туриб ижтимоий, иқтисодий, маданий жабҳалардаги

¹ Каримов И. Инсон, унинг шу=у= ва эркинликлари шамда манфаатлари – энг олий =адрият. Т.: 2005. Б.6

вазифаларни бажариш мумкин эмас. Ёхуд одамларда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантирмасдан туриб, Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминлаш мумкин эмас¹.

Ахлоқий онглилик маънавий маданийлиликнинг ажралмас қисмидир. Ахлоқий бойлик маънавий бойликларнинг ўзига хос тури бўлиб, ижтимоий турмуш асосида шаклланади. Ахлоқий онгнинг бош масаласи жамият билан шахснинг ўзаро муносабати, шахсий ва ижтимоий маънавий тамойилларнинг уйғунлашуви масаласидир. Ислом Каримов» «Аслини олганда ахлоқ - маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алиқдан иборат эмас. Ахлоқ - бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани». Шунинг учун ахлоқий дунёқараш, ахлоқий онг ҳам жамиятга, ҳам алоҳида инсонга хос маънавий баркамолликнинг ифодасидир.

Ривоятларнинг бирида айтишича, донишманддан «Дунёда инсон учун энг яхши нарса нима?» деб сўраганларида у «Дунёда инсон учун энг яхши нарса гўзал ахлоқ, таълим-тарбия, саъй-ҳаракат бўлиб, шу гўзал хислатлар билан ном чиқаришдир. Ўлимдан ҳам баттар ёмон нарса эса тарбиясизлик ва ялқовлик билан шуҳрат қозонишдир» деб жавоб берган экан.

Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз,- деган эди. Ислом Каримов тарихчи олимлар билан 1998 йилги учрашувида. Комил инсон деганда биз, аввало, онгли юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайдилар. У ҳар ибр нарсани ақл, мантиқ тарозига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади.

Ҳар қандай тарихий тараққиёт босқичида жамиятнинг демократик характери шу жараёнда қатнашаётган аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаол иштирокига боғлиқ бўлади. Шу жумладан, ёшлар ижтимоий қатлами жамият

¹ Одилов Ғ. Ахлоқий онг ва ижтимоий тараққиёт. «Гулистон», 1997, №5, 5-бет.

демографик структураси элементи сифатида бу жараёнда алоҳида рол ўйнайди. Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш, демократик жамият қуриш жараёнида келажагимиз пойдевори ҳисобланган ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш жамиятни эркинлаштириш, демократиялаштиришдан иборат таркибий давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланмоқда. Зеро, кейинги вақтларда дунёда ғоявий–мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви, турли муқобил мафкуралар ўртасидаги курашларнинг шиддатли тус олаётганлиги, айниқса, мафкуравий таҳдидлар ватанимиз ёшларига таъсир қилишни асосий мақсад қилиб олишлари бу вазифанинг долзарблигини янада ошириб юборди.

Бугунги кунда бизга таҳдид солаётган диний фундаментализм, экстремизм ва турли “инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчилар” жамиятимиз аъзоларининг тафаккурини, хусусан, ёшларимиз онгини маккорлик билан эгаллашга ҳаракат қилмоқдалар. Улар иродасиз, саводи йўқ, ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган, ҳаётга енгил–елпи қарайдиган ва дунёқараши тор ёшлармизни ўз домига тортиб, реакцион ғоялари билан онгини захарлаб, Ёзларининг манфаати йўлида фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.Каримов: “Мени ҳали суяги қотмаган, онги эндигина шаклланиб келаётган фарзандларимизнинг ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиши эҳтимоли кўпроқ хавотирга солади. Ёшларимизнинг баъзан сохта ғоялар орқасидан эргашиб кетаётгани биз учун энг катта хавф десам хато бўлмайди”¹, – деб ёзган эди.

Бугунги ва келажак авлодларни ёт ғоялардан ҳимоя қилувчи куч бу – миллий мафкурадир. Жамиятимизнинг барча қатламларига мутлақо бегона бўлган ёт ғояларга, мафкуравий таҳдид ва хуружларга қарши курашда миллий истиқлол ғоялари руҳий-маънавий куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун бутун халқимизни, айниқса, ёшларни маърифат, маънавият, миллий ғоя ва миллий мафкура билан қуроллантириш давлат

¹ Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон шаёт – пировард маъсадимиз. Т. 8. 465 бет.

сиёсатининг устувор вазифаси бўлиб қолмоқда. Чунки, республикамизда изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг самарадорлиги жамият ижтимоий–сиёсий ҳаётига ёшларимизнинг фаол иштирокини таъминлашга боғлиқ.

Шунга қарамасдан, мамлакатимизга ёт ғояларнинг, мафкуравий таҳдид ва ҳужумларнинг кириб келишига ҳам айнан ёшларимиз онгида сақланиб қолаётган лоқайдлик ва бепарволик кайфияти сабаб бўлмоқда. Бироқ, очик эътироф этиш керакки, ёшларимиз тафаккурига, онгига қилинаётган мафкуравий таҳдидлар, хуружларнинг моҳиятини, мақсадини кенг ёритиш, уларнинг ўзлигини англаш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш ҳақидаги мафкуравий маълумотлар базаси саёзлигини, амалий фаолиятдаги сусткашликларни бартараф этиш бугун олдимизда турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади ҳамда уларни охиригача ҳал қилиш учун ҳали кўп ишлашимизга, меҳнат қилишимизга тўғри келади.

Бу вазифаларни ёшларнинг фаол иштирокисиз, изчил саъй-ҳаракатсиз амалга ошириш мураккаб бўлиб қолаверади.

Бугунги кунда инсоният ғоятда мураккаб ва ўта зиддиятли мафкуравий жараёнларни бошдан кечирмоқда. Кишилиқ жамияти тараққиётининг ҳозирги даврда деб ёзади И. Каримов «турли хил эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда. Ранг-баранг, баъзан бир-бирига мутлоқо зид дунёқарашлар, сиёсий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмоқда»¹.

Дунё сахнида кечаётган мафкуравий жараёнлар ҳақида гап кетар экан, унга хос яна бир муҳим ҳусусиятни қайд этиш лозим. Аксарият давлатларнинг мафкураси «умуминсоний қадриятлар ва демократик

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси ҳал=ни – ҳал=, миллатни – миллат =илишга хизмат этсин. // Биз келажагимизни ыз =ылимиз билан =ураимиз. 7-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1999.- 85 б.

тамойилларга асосланади. Улардан тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғоялари устувордир»¹.

Мазкур ҳолат, умуман олганда, инсоният истиқболига оптимистик руҳ билан қараш имконини беради. Шундай бўлса-да, бузғунчи ғояларнинг кишилар, айниқса, ёшлар онги ва қалби учун кураши янги сифатий хусусият касб этаётгани жиддий эътибор талаб қилишини алоҳида такидлаш зарур.

Ёшларнинг фаол ижтимоий кучга айланиб бораётгани бугунги кунда уларнинг турли мафкуравий таъсири ва таъйиқларининг бош объектига айланишига олиб келади. Бунда уларнинг жамиятнинг ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган, ташқи таъсирга тез берилувчан ва айна пайтда, энг ҳаракатчан қатлами экани назарда тутилмоқда.

Бағрикенглик маданиятини шакллантириш ҳақида гап кетар экан, ёшларимизнинг, фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенглиги ҳамда ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилишнинг таъқиқланиши ҳақида Конституциявий тамойил ва қоидаларнинг мазмун – моҳиятини теран англаб етишларига эришиш муҳим аҳамият касб этишини алоҳида қайд этиш лозим.

«Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин – инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади»².

Мазкур мақсадга эришишда ёшлар онгига:

- барча миллатлар инсониятнинг, миллий мансублик эса шахс ҳаёти ва дунёқарашининг таркибий қисми эканини;

¹ Миллий истилоҳлар гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000.-22 б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср босқинида: ҳавфсизликка ташдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қароқатлари // Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йилидан.6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 80-б.

- миллатлар ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва эркинликларини таъминлаш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда социал адолатни қарор топтириш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашнинг асосий омили эканини;

- этник, маданий ва лисоний тоқатсизлик, ётсираш, миллатчилик кўринишлари миллатлараро муносабатлардаги танглик ва низолар, мамлакат суверенитети ва хавфсизлигига таҳдид туғилишнинг манбаи эканини;

- миллий тил, урф-одат ва анъаналарнинг сақлаб қолиниши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиш, этник қадриятларга ҳар томонлама ҳурмат кўрсатилишининг ўзбек халқининг тарихий анъаналарига ҳамоҳанг эканини сингдириш ва шундан келиб чиқиб ўз амалий фаолиятларини ташкил этиш малакасини шакллантириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

II БОБ. ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ

ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

2.1.Тасаввуф таълимотида маънавий-ахлоқий тарбия масалалари

Тасаввуф - исломдаги диний-фалсафий оқим. Тасаввуф таълимоти VIII асрларда исломда пайдо бўлган. Унда халқнинг ақли, тафаккури, маънавий ҳаёти, ҳикматлари ўз ифодасини топган. Тасаввуф - Оллоҳ ва пайғамбарларни яхши кўриш, бор вужудини уларга бағишлашдир. Умуман тасаввуф бидъат, ғафлат, дунёпарастлик ва халқдаги парокандаликларга қарши бўлган буюк кишиларнинг маслағи асосида тузилгандир. Тасаввуфда инсонпарварлик, одамийлик, инсоф, саҳоват, муҳаббат, ҳақидаги ғоялар мужассамланган. Демак, тасаввуф аҳли пок ва гўзал бўлишга, ҳақ ва ҳақиқатни билишга интилан.

Ҳар қандай ғоявий таълимотда бўлгани каби, ислом динида ҳам зиддиятлар ва ихтилофлар бўлиб, уларнинг натижасида VI асрнинг 2-ярмидан бошлаб исломнинг ўз ичида ҳам турли йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар юзага кела бошлади. Демак, тасаввуф ислом дини пайдо бўлгандан сўнг унинг доирасида Қуръони Карим ва Ҳадис Шариф аҳкомларига мос равишда пайдо бўлди. X-XI асрларда Моварауннаҳр (Ўрта Осиё), умуман мусулмон мамлакатлари халқларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётида ғоявий оқим сифатида кенг ғоясини тарғиб қилган. Таркидунёчилик – бу дуне бойликларидан ва ноз-неъматларидан воз кечиш, Аллоҳ висолига етишмоқ учун пок, ҳалол, ўзининг ҳалол меҳнати билан яшаш, ихтиёрий равишдаги фақирлик тасаввуфга хос хусусият ҳисобланади.

Барча жамиятларда ўша жамиятнинг етук инсонлари камолоти ҳамиша долзарб мавзу бўлиб келган. Шу жумладан бу борада тасаввуф таълимотида алоҳида бир таъриф ва талқинлар мавжуд.

Улуғ илоҳиёт назариётчиси Ал-Ғаззолий ўзининг «Кимёи саодат» асарида «Одамийни тамоми саодати Ҳақ- таолонинг маърифатини қилмоқ ва анга ибодат ва бандалик қилмоқдур» - деб ёзадилар.

Тасаввуфнинг асосий ғояси ҳам инсон ва унинг маънавий камолатни юксалтиришдан иборатдир. Бунини амалга ошириш жараёнида тасаввуф таълимоти аввало инсон руҳиятини таҳлил этади. Буюк мутасаввуфлар инсон руҳини руҳи, сир, сиррус сир, хавий ва ахфо деб атаб, уни «латоифи ситта» дейишади. Илк мутасаввуфлар эса таб, нафс, қалб, сир ва руҳга ажратишадилар.

Рух ва Оллох ўртасидаги пардалар кўтарилиб ахфо мартабасига етилади. Орада ҳеч қандай парда қолмайди. Солиқ ҳаққа яқинликни мушоҳада этади. Бу мартаба тасаввуф таълимотида «инсонни комил» ёки «комил инсон» тушунчаси билан ифодаланади.

«Комил инсон –атрофида бутун борлиқ олами айланаётган бир кутбидир: Борлиқ яратилгандан бери комил инсон бордир ва унинг ўзига хос ҳақиқати бор. Асли исми Муҳаммад бўлиб, ҳар асирда бошқа суратда ва бошқача номлар билан кўринади. Дунё яратилгандан бери ҳар хил пайғамбарлар шаклида кўринган ҳам комил инсондир. Қиёматга қадар энг улуғ валий ҳам у».

Комил инсон-бир идеал, барча дунёнинг ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи Мутлоқ руҳга туташ, файзу кароматдан сероб, сийрати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зот. Бундай мартабага эришган инсонлар профессор Н. Комилов талқинича «валиуллоҳ, қибла, кутуб, ғавс (мардикор), автод (устунлар), абдал (бадал қилинган)-деб улуғланганлар».

Комил инсон тушунчаси тасаввуфий адабиётларда кўп марта тилга олиниб ўтилади. Кўп мунозара ва баҳсларга учраган. Комил инсон мавзусига бағишланиб, алоҳида, махсус китоблар ёзилган. Булардан Саййид Абдулкарим Гелоний ва Азизиддин Насафийнинг «Комил инсон» номли рисолаларини келтириб ўтиш мумкин. Аслида эса комил инсон тушунчасини биринчи марта Шайхи Кабир номи билан машҳур бўлган Мухъйиддин Ибн-ал-Арабий (1165-1240) томонидан муомилага киритилганлигини қайд этмоқ

жоиз. Ибн Арабий наздида комил инсон бу ахли аввал ёки нафси аввал, ахли кулл тушунчалари билан маънодошдир.

«Оллох одамни рахмон суратида яратади» деган Хадиси Шариф мавжуд. Комил инсон, шу тариқа, Оллохнинг рахмони Рахим сифатларига эга бўлди. Комил инсон тимсоли Ибн Арабий ва Абдукарим Гилоний талқинларича бу Муҳаммад Саллоллоху алайхи хазратлардир. Азизидин Насафий эса комил инсонга таъриф бериб ёзади: «Билгилки, комил инсон деб шариат ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда куйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф» .

Демак комил инсон тушунчаси учун икки жихат асос қилиб олинади:

1. Комил инсон тасаввуф босқичлари: шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларини босиб ўтган бўлиши керак.

2. Комил инсон бир қатор илоҳий ва дунёвий сифат-фазилатларга эга бўлиши лозим.

Куръони Карим «Бақара» сураси 177 оятда «Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига бураверишингиз яхши эмас, балки Оллохга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўриб туриб молини қариндош уруғларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи-мусофирларга, тиланчи-гадоларга ва қуларни озод қилиш йўлида берадиган, номозни тўқис адо этиб, закотни берадиган киши ва аҳдлашганларида аҳдларга вафо қилувчилар ва хусусан оғир-енгил кунларда ва жангу-жадал пайтда сабр-тоқат қилувчилар яхши кишилардир. Ана ўшалар чин иймонли кишилардир ва ана ўшалар асл тақводордирлар»⁶ дейилади.

Хадиси Шарифлардан бирида тақводор инсонни: «Мени сифатим Аҳмад, таваккул қилувчи, қўпол эмас, бадхулқ эмас, яхшиликка яхшилик қайтарадиган, ёмонликка ёмонлик эмас балки яхшилик қайтарадиган,

туғулган жойи Макка хижрат қилган жойи Мадина, умматлари эса Оллоҳга хамди этувчи, сатри авратлари изор билан ёпилувчи (иштон), атрофи очик жойларни юувчи, тахоратда юрувчи, Қуръонлари дилларида ёд берувчи, номозга урушда сарф олувчи, Оллоҳга яқин бўлишлик учун жон ва қонларни аямовчи, кечалари ибодатда қаттиқ, кундузлари ишда шер кабидирлар ⁷ каби сифатлар санаб ўтилади. Юқоридаги Қуръони Карим ва Хадис Шарифдаги «илохий» сифатлар асосида (улар Қуръонни Каримда 10та Хадис Шарифда 11та) Тасаввуф таълимотда ва унинг йирик тариқатларида комил инсон мақомларини ишлаб чиқилган. Бу мақомлар яссавий тариқатида саккизта бўлиб, «Факр инсон» деб аталади:

Умуман олганда тасаввуф таълимотида комил инсон тушунчасини моҳияти ва асосий мезонлари ҳали XII асрдаёқ буюк мутасассуфлар томонидан атрофлича таҳлил қилиб чиқилган. Бунинг учун эса такводор инсон фазилатлари, мезон ва мақомлари асос сиватида қабул қилинган.

Хулоса ўрнида тасаввуф таълимотидаги комил инсон муаммоларини қуйилиши ва унга муносабат борасида қўйидаги жиҳатларини қайд этиб ўтиш мумкин:

- Тасаввуф таълимотида комил инсон муаммосига кенг эътибор берилган.

- Тасаввуфдаги муаммолар орасида комил инсон муаммоси етакчи ўринда туради.

- Комил инсонни асосий мезон ва мақомлари имонли инсон мақомлари асосида яратилган.

- Комил инсон фазилатлари мустақиллик даври баркамол инсонларни тарбиялашда муҳим тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади.

- Комил инсон мақоми шариат босқичлари ва маълум мақомларни бажариш орқали амалга оширилади.

-Тасаввуф таълимоти ва унинг турли жабҳасидаги ғоялари мамлакатимиз мустақиллиги учун муҳим ғоявий, мафкуравий таянч бўлиб хизмат қилади.

Комил инсон тушунчаси тасаввуфий адабиётларда кўп марта тилга олиниб ўтилади. Кўп мунозара ва баҳсларга учраган. Комил инсон мавзусига бағишланиб, алоҳида, махсус китоблар ёзилган. Булардан Саййид Абдулкарим Гелоний ва Азизиддин Насафийнинг «Комил инсон» номли рисолаларини келтириб ўтиш мумкин. Аслида эса комил инсон тушунчасини биринчи марта Шайхи Кабир номи билан машҳур бўлган Мухъйиддин Ибн-ал-Арабий (1165-1240) томонидан муомилага киритилган. Ибн Арабий наздида комил инсон бу ахли аввал ёки нафси аввал, ахли кулл тушунчалари билан маънодошдир.

«Оллох одамни рахмон суратида яратади» деган Хадиси Шариф мавжуд. Комил инсон, шу тариқа, Оллохнинг рахмони Рахим сифатларига эга бўлди. Комил инсон тимсоли Ибн Арабий ва Абдукарим Гилоний талқинларича бу Муҳаммад Саллоллоху алайхи ҳазратлардир. Азизидин Насафий эса комил инсонга таъриф бериб ёзади: «Билгилки, комил инсон деб шариат, тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши

Комил инсон тушунчаси тасаввуфдаги асосий мавзулардан биридир. Ҳозиргача мавжуд диний ва дунёвий адабиётларда унинг шаклланиш мезонлари ҳақида бир қатор талқин ва таърифлар илгари сурилган. Комил инсон шаклланишининг қуйидаги жиҳат-мезонларини қайд этиб ўтиш мумкин.

1. Комил инсон бу Оллоҳни халифаси эканлиги. Яъни Тангри инсонни ўзининг ердаги халифаси, ўринбосари сифатида яратган. Қуръони Каримнинг Ал-исро сурасида «Биз одам болаларини азизу мукаррам қилиб яратдик», - деган оятни ўқиймиз. Комил инсон руҳ кишиси, у ўз-ўзидаги руҳий

камолотни такомиллаштириб боради. Инсон руҳий такомил жиҳатдан ҳақиқатни ва илоҳий сирларни англаш қобилияти адо этилган ягона мавжудотдир. У бутун умр Оллоҳни барча исм ва сифатларини ўзида жам этишга тиришади. Оллоҳнинг жамол, жалол сифатларини ўзида намоён этишга интилиб, комил сифатларига яқин келади ва комил инсон мартабасига эришади.

2. Комил инсон – Муҳаммад Алайҳиссалом сифатидаги инсондир. Абдулкарим Жимий «Борлиқнинг яратилгандан бери комил инсон бордир ва унинг ўзига хос ҳақиқати бор. Асли исми Муҳаммад бўлиб, ҳар асрда бошқа суратда ва бошқа номлар билан кўринади. Дунё яратилганидан бери ҳар хил пайғамбарлар шаклида кўринган ҳам комил инсондир. Муҳаммад Алайҳиссалом ҳар хил суратда кўриниш қудратига эга. Ҳар замон инсонларнинг энг комил суратига кириб, уларнинг шаънини юксалтиради. Суратига кирган кишилар зоҳиран унинг халифалари, ботинан эса - уларнинг ҳақиқатидир», - деб ёзади.¹ Комил инсон тимсоли Ибн Арабий ва Абдукарим Гилоний талқинларида бу Муҳаммад Саллоллоҳу алайҳи хазратларидир.

3. Комил инсон тариқат босқичларини босиб ўтган инсондир. Азизидин Насафий комил инсонга таъриф бериб ёзади: «Билгинки, комил инсон деб шариат, тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгинки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф».¹ Комил инсон Аҳмад Яссавий, Бобораҳим Машраблар талқинида тариқатни тўрт босқичини босиб ўтган инсондир.

4. Комил инсон – Ҳадисларга амал қилувчи зотдир. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд «Барча ҳолатда ҳам қадаминг амру наҳий кўчасида бўлсин,

¹ Усмон Туар. Тасаввуф тарихи.- Т., 1999. Б.140.

¹ Комилов Н. Тасаввуф.- Т., 1996. Б.143.

суннатни ҳамиша жойига қўйишга интил, бидъатлардан узоқ бўл, Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳадисларини ўзингга пешво қилиб ол, Расуллуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам ва унинг улуғ саҳобалари, ризвонуллоҳи алайҳим ажмаъин асарлари ва хабарларини изловчи ва ўрганувчи бўл!», -деб васият қиладилар² ўз шогирдларига. Бундан ташқари бошқа ўринда «Кимки битта ҳадисга умр бўйи амал қилса, кафил бўламанки, у мақсадига етади». Масалан, у: «Ман аслаҳа жавори ҳаҳу аслаҳаллоҳу жавонибаҳаҳу» ҳадисига (Кимки қўл-оёғини тўғри ишлатса, Оллоҳ таъоло унинг насибасини тўғри қилиб беради) амал қилса, кафил бўламанки, унинг иши дин ва яқин йўлида охирига етади», -деб такидлайди.³ Яъни кимки ҳадиси шарифларга ҳаётида қаттиқ амал қилса, у комиллик шарафига эришади. Бундан талқин Имом Бухорийда ҳам мавжуд.

5. Комил инсон - мутасаввуфлар томонидан ишлаб чиқилган маълум мақомларни босиб ўтган кишилардир. Бундай мақомлар яссавия тариқатида *та, кубровия тариқатида 10та, нақшбандия тариқатида 11та ва ҳоказо. Ўша мақомларни барчасини ёки бирон қисмини босиб ўтган киши комиллик даражасига етади. Масалан, ҳазрат Алишер Навоий нақшбандия рашаҳоларини дастлабки 4тасини босиб ўтган киши ҳам «рубъу маскун» мартабасига эришади, деб уқтиради. Тасаввуфшунос олим Н. Комилов «Комил инсон ахлоқи концепцияси ишлаб чиқилганлигини қайд этади.

6. Комил инсон нафсини тийган, саҳоватпеша, ҳаёти фақат яхшилик қилишга бағишланган инсондир. Бундай талқинлар Маҳмуд Асър Жўшан, Усмон Турар каби тасаввуф билимдонларида мавжуд.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, комил инсон мақомига турли хил йўл, коида амалларни бажариш орқали эришиш мумкин. Бу мезон ва мақомларни исломий имонли инсон мақом-даражалари ташкил этади. Комил инсон бир қатор илоҳий ва дунёвий сифат-фазилатларга эга бўлган зот. Комил инсон

² Абул Мухсин Мушаммад Бакир ибн Мушаммад Али. Башоуддин Балогардон.- Т., 1993. Б.29.

³ Ёша асар, б.99.

мақомларини илмий жиҳатдан ўрганиш бугунги кун баркамол авлод вакиллари маънавий қиёфасини шаклланишида асос, мезон бўлиб хизмат қилади.

Тасаввуф мусулмон Шарқи халқларининг маънавий ҳаёти тарихида кенг тарқалган таълимотлардан биридир, деб таъкидлайди академик М.М. Хайруллаев¹.

Тасаввуф тараққиётининг вужудга келиши, асосий ғояси, ёйилиши ва кейинги тараққиёти тўғрисида жуда кўп манба ва адабиётлар мавжуд. Тасаввуф диний-фалсафий таълимот сифатида VIII асрда пайдо бўлганлигини В. Бартольд, Е. Бертельс, И. Мўминов, В. Зоҳидов, М. Баратов ва бошқалар ўз тадқиқотларида қайд этиб ўтадилар.

Тасаввуф ўзининг чуқур онтологик, гносеологик, аксиологик ва психологик илдизларига эга. Е. Бертельс "Суфизм шунчалик кенг ва ҳар тарафламаки, унга исталган концепция, дунёқарашни киритиш мумкин", деб қайд этади². И. Мўминов эса тасаввуф ҳақида тўхталиб, "Суфизм - мураккаб фалсафий оқимдир. У жуда хилма-хил шаклларга, мазмунга ва оқимга эга"³ эканлигини таъкидлайди. В. Зоҳидов ўз тадқиқотида "... тасаввуф ортик даражада мураккаб, чигал дунёқарашдир", - деб уқтиради⁴.

Тасаввуф таълимоти илк ислом даврида маълум гуруҳ кишиларни мавжуд жамиятдаги ижтимоий тузумдан норозиликлари натижасида вужудга келган таълимотдир. Бу эса тарихан ҳижрий иккинчи асрга тўғри келади. Бу даврда Араб халифалигининг ҳудуди Арабистон ярим ороли сарҳадидан чиқиб, Сурия, Ироқ, Эрон мамлакатларига етиб бораётган эди. Янги вужудга келаётган тузумга қарши турувчилар суфизм ғояси остида арабларга қарши ўз озодликлари, Ватан ҳимояси учун курашдилар. Бу

¹ Из истории суфизма: источники и социальная практика. Под ред. М. Хайруллаева. - Т.: 1991. -С. 2.

² Мўминов И. Танланган асарлар. 1 жилд.- Т.: 1969. -Б. 34.

³ Ёша асар. - Б. 34.

⁴ Зоҳидов В. Улу\ шоир ижодининг =алби. - Т.:1970, - Б. 316.

курашни бошлаган ироқликлар эди. Тасаввуфнинг кейинги тарихий тараққиётини шартли равишда уч даврга бўлиш мумкин:

1-давр. Тасаввуфнинг пайдо бўлиш, шаклланиш ва ёйилиши даври. VII-IX асрлар. Зуннун Мисрий, Сари Сақатий, Харроз, Қассоб, Абу Саҳл Тустарий, Хорис ал-Мухосибий, Иброҳим ибн Адҳам, Абу Усмон ал-Маккий, Жунайд Ҳаллож, Бистомий, Абу Саид ал-Харақоний.

2-давр. Тасаввуф ва исломнинг уйғунлашув даври X-XI асрлар. Ғаззолий, Абу Саид Майхоний, Абдурахмон ас-Суламий, Қушайрий, Ҳужвирий.

3-давр. Тасаввуф тариқатларининг пайдо бўлиш ва тасаввуфнинг оммалашуви даври. XII-XV асрлар.

Тасаввуф биринчи даврида (дастлаб Ироқда) зоҳидлик, ирфоний интилишлар сифатида пайдо бўлган таълимот бўлиб, ўрта асрларда асосий меҳнаткаш оммани ташкил этган камбағал деҳқон, ҳунармандларнинг ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик ва ҳақсизликдан норозилигини ўзида акс эттирар эди. Бу жараён то IX аср охиригача бўлган даврда мавжуд бўлиб келди. Е. Э. Бертельс "Ҳар қалай машҳур хонақоҳлар қишлоқ жойларида бўлса-да, уларнинг катта қисми шаҳарларда марказлашган эди. Айниқса, дастлабки даврларда Куфа, Басра ва Бағдод, кейинроқ Нишопур бу соҳада муҳим рол ўйнай бошлади"- деб ёзган эди.¹ Тасаввуфнинг кейинчалик икки: Эрон ва Марказий Осиё каби ўчоқлари пайдо бўлди. Тасаввуф тараққиётини Эрон ва Марказий Осиёдагидек ҳеч бирон мамлакатда кечмаганлигини қайд этиш мумкин. Биринчи даврда О. Акимушкин фикрича, "Суфизм, фақатгина эскизлардан чиқа бошлаган" давр эди¹.

Тасаввуф иккинчи даврда ўз бошидан дин билан уйғунлашув босқичини кечирази. Тасаввуф ва ислом ғоялари буюк ислохотчилар Абу Ҳомид Ғаззолий (1158-1111), Ибн Арабий (1165-1240) кабилар томонидан

¹ Бертельс Е.С. Суфизм и суфийская литература. - М.: 1965. -С. 41.

¹ Суфизм в контексте мусульманской культуры. - М.: 1989. -С. 308.

уйғунлаштирилади. "Суфизм ҳаракатини раҳбариятга қандай йўл билан бўлсада бўйсиндириш йўлини топиш лозим эди. Бу вазифани Ғаззолий ўз зиммасига олди"- деб ёзади Е. Бертельс¹. Тасаввуф ва ислом дини оралиғидаги "буюк хитой девори"ни олиб ташлаш миссиясини тарихда Ғаззолий ва Ибн Арабий бажарди. Ислом маънан, мазмунан тасаввуф билан шунчалик қоришиб кетдики, улар орасидаги чегара ва тафовутни кейинги даврда фарқлаб бўлмай қолди. Бу жараён эса, келгуси ислом ва тасаввуф тараққиётида фақатгина ижобий рол уйнади, холос. Ислохотчилар эса ўз хизматлари эвазига "ислом хужжати", "улуғ устоз", "аш шайх ал-акбар" каби шарафли номларга мушарраф бўлдилар.

Тасаввуф яхлит таълимот сифатида, то ўз давригача, яъни VIII асргача мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий, маънавий ва диний ирфоний ғоя ва таълимотлар замирида вужудга келди. Тасаввуф оташпарастлик, буддизм, қадимги туркий Кўк Тангри эътиқодлари, қадимги юнон фалсафий мактаби, христианлик ва энг аввало ислом замирида, базасида вужудга келди². Ҳатто, унда монийлик таълимотининг ҳам таъсирини кўриш мумкин, деб қайд этади С. Н. Григорян³. Тасаввуф ўзининг бир неча маънавий-ирфоний илдизлари билан бирга, ўз маънавий асосларига ҳам эга. Унинг бош асоси, бу ислом таълимоти ва унинг моҳиятини ифода этувчи Қуръони каримдир. Тасаввуфнинг асосини пантеистик дунёқараш ташкил этади. Пантеизмнинг ўта мураккаб диний-фалсафий таълимот сифатидаги ўзига хослиги бутун ўрта асрлар Шарқ ва Ғарб диний-орифчилиқ таълимотлари, бидъат ва хурфиқр ҳаракатлар фалсафий негизини ташкил этади. Ислом таълимоти асосида тасаввуф ўз ақидаларини ишлаб чиқа бориб, "суфизм IX-X асрларда яхлит бир тизимли таълимотга айланди"⁴.

¹ Бертельс Е.С. Суфизм и суфийская литература. - М.: 1965. -С. 42.

² Из истории суфизма: источники и социальная практика. Под ред. акад. М Хайруллаева. - Т.: 1991. -С. 7. Зошидов В. Улу\ шоир ижодининг =алби. - Т.: 1970. -Б. 318.

³ Григорян С. Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана У11-Х11. -М.: 1960.

⁴ Бертельс Е.С. Суфизм и суфийская литература. -М.: 1965. -С.39.

Тасаввуфнинг бош ғояси суфийни Ҳаққа восил бўлиш йўллари кўрсатишдан, тарғиб этишдан иборатдир. Бу жараён тўрт босқичдан иборат ҳолда кечади:

1. Шариат-ислом маросимларини, шариатнинг амалий талаблари, қонун-қоидаларини билиш ва уларга риоят этиш.

2. Тариқат-суфий томонидан «восил бўлиш» учун танланган йўл. Бунда суфий нафсидан воз кечиб, бирор пир йўлини танлайди ва унинг амалларини унга эргашган ҳолда бажариб боради.

3. Маърифат - суфий томонидан Оллоҳни таниш ва уни қалбан билишдир. Шу билан бирга Оллоҳни бутун мавжудотнинг, борлиқнинг асосчиси, яратувчиси эканлигини билишдир.

4. Ҳақиқат (фано босқичи ҳам дейилади) - бу босқичда суфий худо васлига етади. Бу даражага етган суфий авлиёлик, «анал-ҳақлик» даражасига эришган бўлади. Тасаввуф тарихий тараққиётида Боязид Бистомий (вафоти 875 йил) «Менга шараф», «Мен қанчалик буюкман», Мансур Халлож (857-922) «Мен ҳақман» (Анал-ҳақ) дея ўзларини фано босқичига етганликларини қайд этганлар. Бундан ташқари Фаридидин Аттор, Насимий, Бобораҳим Машраблар ҳам бу даражага эришганлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, тасаввуф таълимотининг асосий ғояларидан бири – маънавий-ахлоқий камолот, юксалиш масаласидир. Турли даврларда, турли минтақаларда амал қилган тасаввуф тариқатларининг барчасида мазкур масала ўзининг долзарб аҳамиятини йўқотмаган.

2.2. Нақшбандия тариқатида маънавий-ахлоқий камолот муаммоси

Нақшбандия тариқатини кўпроқ уч ном билан: "Хожагон", "Нақшбандия", "Хожагон-нақшбандия" тариқати деб юритилмоқда. нақшбандия тариқати соликлари, суфиёна кийиниб, фақирона овқатланишган, энг камсуқум ҳаёт кечиришган. Бунда айниқса Ғиждувоний ва Баҳоуддин беҳад юксак ва қатъий намуналар кўрсатганлар. Арпа унидан тайёрланган нон еб, ўзгаларга бугдой нон раво кўрганлар. Улар унчалик баланд бўлмаган оқ рангдаги, юрак белгиси ичида "Оллоҳ" калимаси ёзилган қалпоқ кийиб юрганлар. Бу эса уларнинг бош шиори "Дил ба ёру даст ба кор" ни ўзида ифода этган. Нақшбандийлар ўз ҳимматларини мискинлардан ҳеч аямаганлар. Шунга нақшбандия таълимоти оммавий, халқчил, ибратли тариқат саналган.

"XV асрдан бошлаб, нақшбандия қодириядан кейинги энг кенг тарқалган диний уюшма эдики, у Миср ва Босниядан то Гоньсу ва Суматрагача, Повольже ва Шимолий Кавказдан то Жанубий Ҳиндистон ва Ҳижозгача бўлган ҳудудга ёйилган эди"¹.

Нақшбандия тариқатининг асосий диний - фалсафий ғоялари, маънавий-ахлоқий камолоти негизлари қуйидаги уч манбага таянади:

- Тариқатнинг ўн бир муқаддас қоидаси (рашаҳалар) ёки тўрт машҳур калима (чаҳор калима); «Хуш дар дам», «Ҳилват дар анжуман», «Назар бар қадам»; «Сафар дар Ватан» қоидаларига;

- Тариқатнинг асосий шиори бўлган "Дил ба ёру даст ба кор";

- Нақшбандия тариқатида асосий ўринни эгаллаган «Зикри ҳафия» (яъни овоз чиқармай қилинадиган ички илтижо, тиловат, зикр - бунда Қуръони карим сура, оятлари, ҳадислар билан бир қаторда ҳаётбаҳшлик, юксак инсонпарварликни, ҳалолу-покликни тараннум этишга қаратилган Нақшбанд

¹ Ислам. Энциклопедический словарь. М., 1991, стр. 169

«вирдлари» – яъни илтижо, нидолари, ўғитлари, нурлари (баҳои)) ташкил этади.

Нақшбандиянинг назарий асоси ва амалиётида руҳий жиҳат шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатдан иборат бўлиб, улар қуйидаги 7 та мақомлар тизимидан иборат¹: тавба, вара, зуҳд, фақр, сабр, таваккул, ридо.

Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд мазкур мақомларни ижодий ва танқидий қайта ишлаб, жуда мураккаб ва юксак инсонпарвар, ҳаётбаҳш ғояларни сингдирганлар, тамомила оригинал, янги 11-қоидада лўнда ифодаланган таълимотни яратганлар.

1. "Ҳуш дар дам". Тасаввуф таълимотига кўра олам иккига: фоний ва боқий дунёга бўлинади. Бу олам фоний-ўткинчи дунёдир.

Инсон учун чекланган миқдордаги бу дунёни ҳар бир лаҳзаларини ҳуши ўзида ўтказмоғи керак бўлади.

2. "Назар бар қадам" қоидаси киши ҳаётидаги қўйиладиган ҳар бир қадам назорат остига олинмоқлигини таъкидлайди. «Назар бар қадам» инсоннинг ҳаёти, тақдири, аъмоллари қандай бўлиши учун жавобгарлик, бутун масъулият инсон, шахс зиммасига Оллоҳ томонидан юклатилганлигини билдиради. Ана шу масъулиятни англаш, уни амалда қўллаш, унга интилиш ва риоя қилиш, бошқаларга бу борада ибрат кўрсатиш комил инсон ҳаётининг моҳиятини, мантиғини белгилайди. Нафс тўғрисида Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ёзадилар: "Нафси худро ба бадий шинохтан-худшинохтан аст" (Ўз нафсингни ёмонлигини таниш-ўзлигингни танишдир)². Бу қоида ўзликни танишга, идора этишга қаратилгандир. "Ўзини таниган киши ўз Роббини танийди" деган Ҳадиси шариф моҳияти бу қоидада бир қадар ифода этилган. Яъни солиқ ўзлигини англаб етгач, ўз ҳаётини ҳам идора қила олади. Бунда у ҳар бир қўйилган қадамини, ҳар бир сўзини ва феъли-хаёлини назорат қилиб турмоғи керак. Нақшбандийликда "Назар бар

¹ Бертельс Е. Э. "Суфизм и суфийская литература" М.: 1965, стр. 36-37.

² Комилов Н. «Тасавуф ёки комил инсон ахлоқи» I-китоб. Т., 1996, 135-б.

қадам" қондаси олдинги ўринларга қўйилади. Ғаззолий ёзади: "Шайх-муриди́ни тарбиялашда, деҳқон ҳосилини етиштиришда уни бегона ўтлардан тозалагани каби, уни қусурлардан тозалаб боради"¹. Ҳар бир киши ўз-ўзини такомилани кузатиб бормоғи ва ўз қусурларини ўзи бартараф этмоғи лозим. Ўзига-ўзи виждон ва Ҳақ олдида баҳо бериб бормоғи талаб қилинади. Зеро инсон оламни Яратганнинг севган бандаси. У ўз ақли ва хулқи билангина инсон, ҳазрати инсон, ҳар бир инсоннинг ўз-ўзини назорат қила олиши эса уни комиллика, етукликка, қолаверса Ҳаққа етаклайди. Назар бар қадам қондасини мазмуни шудир.

3. "Сафар дар ватан". Инсон борки у сайёҳ. Унинг ҳаёли сайёҳ. Жисми сайёҳ. Оламдаги ҳар бир нарса-ҳодиса ва мавжудотни макони, ватани бор. Инсонда ҳам Ватан мавжуд. У биосоциомавжудот сифатида белгиланган ҳудудда-маконда яшайди. Бу унинг моддий Ватани. Бошқа бир томондан у руҳий мавжудот. Унинг руҳи боқий дунёда, Оллоҳ наздида ватан топади. Ислонда сафарнинг энг олийси бу Ҳақ йўлига сафар. Тирикликда эса кишини энг олий сафари ҳаж сафаридир. Тасаввуфда дарвеш-қаландарларнинг асосий хусусияти сафар қилиб, ҳаёт кечириш бўлган. Бу тартиб нақшбандийликда ҳам ўз ифодасини топган. Сафарга чиқиш, Ватан сарҳадларига сафар, муқаддас қадамжоларга сафар, Ҳаж сафари каби сафару-саёҳатлар осонликча кечмайди. Сафар бу машаққат, машаққат эса суфийни сайқаллайди, унинг тақдирини белгилайди.

4. "Хилват дар анжуман" Хилват дар анжуманнинг оддий ифодаси жамоа ичида яккалик, ёлғизлик демакдир. Ҳазратдан «тариқатингизнинг асоси нимадан иборат?», деб сўраганларида, "Хилват дар анжуман ба зоҳир халқ ва бо ботин Ҳақ",-деб жавоб берганлар. Зоҳирда халқ билан ва ботинда Ҳақ билан жумласи хилват дар анжуманнинг мантикий шарҳидир. Н.Комилов талқинича, ушбу ўринда Нақшбанд ҳазратлари "халқ ва Ҳақ,

¹ Абу Шамид /аззолий. "Эй фарзанд..". "Мовароуннашр мусулмонлари", 1993, № 1, 26-31-бб.

хилват дар анжуман, зоҳир ва ботинни бир-бири билан келиштирган"лар¹, деб қайд этади. Ҳақиқатда бу талқинда асос бор, чунки олам, одам ҳаёти ва улар тараққиёти бир-бири билан уйғун боғлиқликда кечади. Ушбу қоидада суфий учун улуг оламга (олами кабир) етишиш учун оддий кичик (олами сағир) одамлар билан бирга бўлиши лозимлигини қайд этилади. Ориф Усмон "Юқоридаги қоида Абдулҳолиқ Ғиждувоний томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Хожагон (Нақшбандия) сулукидаги машҳур "Дил ба ёру даст ба кор" шиорига айнан мос келади"², деб таъкидлайди.

5. "Ёдкард" - бу қоида "Рашаҳот" да баён этилишича лисоний ёки қалбий зикрдир.

Ёдкард қоидасидан бошлаб қолган уч мақом аввалги мақом-қоидаларни мазмунан тўлдириб боради. Ёдкарднинг маъноси тариқатдаги суфийлар фоний дунёда ҳамиша Ҳақ ёди билан яшамоғи лозимлигини англатади. Доимо суфийнинг қалби, вужуди Ҳақ ёди билан бирга бўлиши керак, чунки суфий учун Оллоҳдан ўзга борлиқ йўқ. Ёдкард қалбий зикр, қалб тили деб айтилиши бежиз эмас. Чунки Оллоҳни қалбан ёд этиш, қалбни унга нисбатан мурожаати бу суфий учун энг аҳамиятлидир.

6. "Бозгашт" - бунинг маъноси инсон умри фонийлиги, ундан албатта боқий дунёга қайтажаклиги таъкидланади. Суфий ўз умрининг ўткинчилиги, ўлимнинг барҳақлигини, қиёматнинг ҳақлигини уққан бўлмоғи лозим. Яъни у бир кунмас-бир кун Яратган қошига боражагини, охиратни билган ҳолда яшамоғи керак. Шу билан бирга ёмон фикрлар, ишлардан қайтиш ҳам бу қоида замирига сингдирилган. "Бозгашт калимаси яхши ёки ёмон фикрларни одам тафаккуридан ҳайдовчи бўлиб, у зикрни холис қилади, зикрни ўзга нарсалардан озод этади"³.

7. "Нигоҳдошт" - бунинг маъноси киши ўзини ҳар қандай шайтоний йўллардан пок сақлаши кераклигидан иборат. Бу қоиданинг биринчи томони

¹ Комилов Н. «Тасавуф ёки комил инсон ахлоқи» Икитоб. Т., 1996, 101-б.

² Ориф Усмон. «Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний» «Мулоҳот», 1993, №1, 33-б.

³ Абул Мушсин Мушаммад Боҳир Ибн Мушаммад Али. Юқоридаги асар. 13-б.

поклик бўлса, иккинчи томони нафсни сақлай билишдир. Бу икки жараён уйғунликда кечади. Поклик - бу ботиний ва зоҳирий бўлиб, яъни бунга кўра киши ўзини ҳар қандай ғайри йўллардан тортиб, ўз-ўзини моддий, маънавий ва руҳий идора қила билмоғи лозим.

8. "Ёддошт" - "Ҳақ субхонаху ва таолони доимо завқу-шавқ билан ёдда (хотирада) тутиб, огоҳ бўлишдир. Баъзилар уни "ғойиб бўлмайдиган хузур" деган ибора билан ҳам айтадилар"¹ деб қайд этилади Боқир мақоматида. Бунга кўра солиқ доимо Оллоҳни қувонч билан хотирламоғи лозимдир. Ғойиб бўлмайдиган хузурлик Оллоҳни хотирлаш аввало ўзимизни виждон-имонимизга ҳавола. Иккинчи бир томондан, Оллоҳни хотирлаш - бу чексиз ва туганмас хузур, руҳий лаззатланишдир.

Маълумки, нақшбандия тариқатида Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзлари асос солган рашаҳалар алоҳида аҳамият касб этади. Улар учта бўлиб, тариқатнинг 9,10,11-рашаҳаларини ташкил этади:

1. **"Вуқуфи замоний"** - бунинг маъноси суфий ўз умридаги ҳар бир дақиқани, сонияни, вақтни Оллоҳга шукр айтиш билан ва унинг бандаларига фақат яхшилик қилмоқликка сарфлаши лозимликдан иборат. Ҳар бир замонда бандасини ҳоли ва ҳаёти қандай кечади, буни кузатиб бормоғи лозим бўлади.

2. **"Вуқуфи ададий"** - бунинг маъноси зикр жараёнида тартиб, сон алоҳида ўрин тутишлигини қайд этишдан иборат. Муқаддас дуоларни, калималарни қаерда, неча марта айтиш лозимлиги, қайси ҳолларда тоқ ва қайси ҳолларда жуфт маротаба зикр қилинишини билиш ва унга риоя қилиш кераклигини уқтиради. Суфий зикр пайтида сон қоидаларига амал қилмоғи шартдирки, бу эса зикр қувватини оширади.

3. **"Вуқуфи қалбий"** бунинг маъноси суфий зикри қалбан, яъни юракдан бўлмоғи даркор. "Зикр айтмоқлик пири комил томонидан мукаммал бўлиши керак. Шундагина у яхши натижа беради. Биз зикри хуфийани

¹ Абул Мушсин Мушаммад Боқир Ибн Мушаммад Али. Юсуфдаги асар. 13-б

танлаганимиз сабаби бу зикр кучли ва афзалроқдир. Чунки зикри жаҳрида зикр айтувчи ҳаракатда бўлади ва хушёрликдан четлашади. Агар дилда, яъни хуфия зикр айтса, шайтон васвасасидан огоҳ бўлиб туради"¹.

Нақшбандия тариқатига биноан, юқоридаги ўн бир муқаддас коидаларни мукаммал бажарган киши комил инсон даражасига эришади. Нақшбандия тариқатининг асосий қоида-мақомлари билан бирга "Дил ба ёру, даст ба кор" шиори ушбу тариқат таълимотининг мағзини ташкил этади: -инсон Оллоҳ яратган мавжудодларнинг энг шарафлиси ва аълосидир. Унинг Зоти тажаллиси. Демак унинг борлиғи илоҳий борлиқ билан узвий бирликда бўлади, деган фикрни уқтиради. Бу борлиқ инсонда шукроналик туғдиради ва бу инсон қалби орқали намоён бўлади. Демак, инсоннинг Оллоҳ билан илоҳий-ирфоний муносабати унинг зотини фавқулодда шарафли қилиш билан бирга ўзининг ҳар бир нафасида у Олим, Нозир, Қодир ирода-назаридан туришини ҳам чуқур англатади.

- Оллоҳ инсонга Ақл, беш сезги, Шуур, Ирода берган, саъий-ғайрат, бахт-саодатга элтувчи юрак бериб, унинг қалбида туриб, уни эзгуликка даъват этади. Яъни бунда дил Оллоҳ макони эканлиги таъкидланади.

- инсоннинг Оллоҳга, ҳаётга ва бошқа тирик жонзотларга, кишиларга бўлган мураккаб муносабатларнинг яна бир муҳим қиррасини - тил ва дил фарқлари ёки мутаносиблигини ҳам кашф қилади. Маълумки, тил дилдаги бор маънавий-вужудий талаб ва эҳтиёжларни тўла ифодалай олмайди. Бунга унинг ўзига хослиги халақит беради. Ана шундай тил-дил ғайримутаносиблигини инсоннинг ўз дили билан қиладиган мулоқоти - "Дил ба ёр.." илтижо-муножотлари, мувоқабда жуда самарали бартараф этилиши мумкин. Дил билан қилинадиган муносабатлар жамики ҳаётий-илоҳий муносабатларнинг энг аҳамиятлисидир.

- инсон ҳаётнинг ўткинчи эканлигини бутун моҳияти билан англаб етиш, инсонни умидсизлик, узлатчиликка эмас, ҳаётнинг қадрига етиш, фаол

¹ Быриев О. Башоуддин На=шбанд ыгитлари. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 10.09.93. 1-б.

инсонпарварлик, ҳаётбахшликка чақиради. Ҳаётдаги эзгу ишлар инсонга ҳайр бахш этиб, башарият хотирасида ўчмас ва шарафли ном қолдиришни, адолатли ишлар эса инсонни заҳматлар, ўнганмас ғам-ташвишлар қаърига отибгина қолмай, инсон вафотидан сўнг, "бирор савобли, яхши иш қилмаганлиги учун" маломатига учраши, тавқи-лаънатига дучор бўлишини уқтиради. Фоний ҳаётдаги барча амаллар Оллоҳ номи билан, унинг шарафига бағишлаб амалга оширилади. Ўша амалий жараёнда ҳам Оллоҳ киши қалбида бўлиб, руҳий мадад бўлади.

- инсон ўз ҳаётида юксак илоҳий нишон - қадриятга эга эканлиги, ана ўша нишон - қадрият юксаклигидан туриб, унинг меъёрлари асосида, ҳатто энг оғир мусибатлар чоғида ҳам ўзини йўқотмай, инсонлик шаънини юксак тутиб яшаши, ҳур-озод, ҳаётбахш ва гўзал инсон бўлиш зарурлигини англатади.

-инсоннинг ҳаётдан, ўзининг буюк зот - Инсон эканлигидан, Оллоҳ берган неъматлардан розилигини жуда чуқур ва лўнда ифода этади. Дил рози-худо рози чин розилик қалбан берилган айтилган розиликдир.

бизга Оллоҳ Ҳақ, Адл-инсоф, эзгулик йўлига даъват қилишини, инсон ҳаётидан мурод Адл-инсофни рўёбга чиқариш, саодатга эришиш эканлигини англатади. Нопоклик, хиёнат, икки юзламачилик, муртадлик, лоқайдлик ва беғамликдан ихота қилишни уқтиради. "...Оллоҳ ҳақ йўлга ҳидоят қилур". "Шак-шубҳасиз ҳидоят (яъни инсонларни тўғри йўлга йўллаш) ёлғиз бизнинг зиммамиздадир".

- киши қалбида Оллоҳ бўлишини, Яратган ожиз бандасини ҳар қандай салбий ўй-хаёл, фикр, ҳатти-ҳаракатлар ва фаолиятдан қайтариб туришини таъкидлайди. "(Оллоҳ) кўзларнинг хиёнатини (яъни қараш ҳаром қилинган нарсага ўғринча кўз ташлашни) ҳам, диллар яширадиган нарсаларни ҳам билур" (40:19).

- Оллоҳ ҳаётдаги ҳақиқатсевар, адолатли, эзгулик йўлида юрган ҳар бир бандасини ўз карами билан мукофотлашини ифодалайди. «Ҳидоят топган-

тўғри йўлга юрган зотларга эса (Оллоҳ) яна ҳидоятни зиёда қилур ва тақво ато этур (яъни уларга ҳаромдан парҳез қилиш йўллари кўрсатур)» (47-17).

- Яратган инсон қалбига нур, ёруғлик олиб киради, Оллоҳнинг қалбда бўлиши бу нурнинг қалбда бўлишидир. Оллоҳ нури инсон вужудини, қалбини, ҳаёт йўлини ёритишини, ҳамда инсоннинг биосоциал оламини ва инсоннинг барча инсонийлик қирраларига нур бахшида этилишини аён қилади.

«Дил ба ёру, даст ба кор» шиорида асосий ғоя-инсон қалби мутассил Оллоҳ ёди билан, инсон қўли, амалиёти эса ижтимоий фойдали иш, меҳнат, касб-ҳунар билан банд бўлмоғи, инсонга бахшида этилган умрининг бир дақиқаси бўлсин зое кетмаслиги зарурлигини таъкидлашдир. Бу ғоя билан боғлиқ равишда хожагон тариқати анъаналарига қаттиқ риоя қилган Баҳоуддин Нақшбанд «Зикри ҳафия»ни, яъни Оллоҳ Таолога қарата инсоннинг ички илтижо-мурожатига урғу берганлар.

Нақшбандиёна ўн бир қоида, бош шиорнинг турли истилоҳлари, турли нақшбандиёна панд-ўғитлар тўғрисида билдирилган турли фикр-ҳукмлар бизга Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия тариқати дунёқараши, фалсафаси, ҳамда маънавияти тўғрисида етарли даражада маълумот олиш имконини беради. Ш билан бирга ҳозирги кунда долзаб бўлган замонавий баркамол авлодни маънавий-ахлоқий камол толптиришда мазкур қоидалар ва шиордан унмли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

III БОБ. БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИДАН ФОЙДАЛАНИШ

3.1. Ёшларни маънавий-ахлоқий камолотида Яссавия таълимотидан фойдаланиш

Маълумки, Шарқ фалсафасининг етакчи йўналиши инсон қалбини, руҳини поклашга, унда комил инсон сифатларини вужудга келтиришга, шу негизда ижтимоий муносабатларни инсонийлаштиришга қаратилган.

Ўткинчи мол-дунё, мансаб-мартабалар эмас, балки маънавий бойлик, ахлоқий поклик, ҳалоллик, инсоф-диёнатлилик одамни инсонга айланишининг муҳим шарти, деган фикрлар тасаввуф (сўфийлик)нинг шаклланишига ва кенг ёйилишига сабаб бўлди.

Ҳазрат Алишер Навоий Аҳмад Яссавий тўғрисида «Туркистон мулкининг Шайх-ул-машшойихидур ..», «Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидур» - деб ёзганлар. Шунинг учун ҳам ул ҳазратнинг турбатини уч маротоба зиёрат қилиш оддий халқ назарида, анъанасида хажни адо қилиш билан баробар ҳисобланган.

Аҳмад Яссавий шогирдлик шоҳсупасидан муносиб жой эгаллаш билан чегараланмади. У ўзининг номи билан Марказий Осиё ҳудудида кенг тарқалган тасаввуф тариқатини яратди. Яссавий маънавиятининг самарали таъсири туркий тилларда ижод этган кўпгина шоирлар шеъриятида узоқ вақтларга қадар яққол сезилиб турганлиги маълум. Яссавий Арслонбоб кўрсатмаси билан Яссига боради ва у ерда маълум вақтгача толибларга ислом асосларидан дарс беради. Кейинроқ ўз билимини бойитиш учун Бухорога бориб машҳур мутасаввуф Юсуф Ҳамадоний қўлида сабоқ олади. Қайтиб Яссига келиб ўз ғояларини тарғиб этади. «Буюк мутафаккир ва файласуф Яссавий турк дунёсидаги биринчи тариқатнинг асосчисидир», «Унгача на динда ва на турклар тарихида бирор шоир ва мутафаккир бўлган

эмас эдики, турк дунёси ривожига сезиларли таъсир этган бўлса»¹. Яссавий манбаларда нафақат туркий тасаввуфий таълимот асосчиси, балки «...туркий тасаввуф шеърятининг асосчиси сифатида дунёга машҳур»лиги ҳам айтилади. Унинг «Ҳикматлар девони» ҳам диний, ҳам тасаввуфий, ҳам бадиий асардир. Яъни айна тасаввуфона, содда халқ тилида ифодаланган шеърят, давра рақслари тариқат, зовия, такъя, хонақоҳлар ҳаётида, кейинчалик эса дарвешлар тариқатлари, қаландарлар амалиётида асосий роль ўйнай бошлаган эди. Ва бу тасаввуфона бадиият асосини Яссавий бошлаб бериб, Ҳаким Сулаймон ва бошқа мутасаввуфлар давом эттирган «ҳикмат» айтиш анъанаси ташкил этар эди. Демак, Яссавий дунёқараши ва яссавия тариқати тўғрисида сўз айтар эканмиз, аввало унинг ҳикматларига, қилган амалларига ва Яссавия издошлари, жумладан Сулаймон Боқирғоний, Занги Ато, Атоий, Азим Хожа Эшон ва бошқаларнинг у ҳақидаги маълумотларига таянамиз.

Яссавий ўз ҳикматларининг бирида фано йўлига 22 ёшида етишганлигини айтади:

*Мен йигирма икки ёшда фано бўлдум,
Марҳам бўлиб, чин дардлиққа даво бўлдум,
Ёлгон ошиқ, чин ошиқга гувоҳ бўлдум,
Ул сабабдан Ҳаққа сизниб келдим мано².*

Яссавий фақрлик йўлига тўрт ёшида кириб, умр бўйи кишиларни бу йўлга даъват этди. Ушбу тариқат, йўналиш асосчиси Аҳмад Яссавий фақрликни ўзига маёқ қилиб олиб, Муҳаммад Мустафо изидан бориб, 63 ёшида қолган ҳаётини ер остига кўчирди:

*Тўрт ёшимда Ҳақ Мустафо берди хурмо,
Йўл кўрсатдим, йўлга кирди неча гумроҳ,
Қайга борсам, Ҳизр бобом менга ҳамроҳ,*

¹ Ирек уо'ли . yil: 1, sayi: 6. Спецвыпуск, 82-б.

² Аҳмад Яссавий. «Девони ҳикмат». Т., 1992, 27-б

Ул сабабдан олтмиш учда кирдим ерга¹.

Аҳмад Яссавийнинг дунёкараши ўта мураккаб тарихий шароитда - турк ҳукмдорлари қорахонийлар ва қорахитойлар ўртасидаги тинимсиз урушлар, низо ва қелишмовчиликлар ҳамда уларнинг даҳшатли оқибатлари кўрина бошлаган бир даврда шакллана борди. Шоир эл-юртнинг беҳузур ҳаёти, азоб-уқубатлари, “нокас, хасис, диёнатсиз” ҳукмдорларнинг зулми, жамиятда ҳукм сураётган маънавий таназзул, адолатсизлик, кенг тарқалган қашшоқликка гувоҳ бўлиб яшади, золимларни инсоф–диёнатга, одамларнинг тақдирига бефарқ бўлмасликка чақирди.

Яссавийнинг диний-тасаввуфий қарашлари унинг “Ҳикматлар”ида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Уларда ваҳдоният – Оллоҳнинг якка-ягоналиги, абадий “бору бир”лиги, унинг барча мавжудотларнинг яратувчиси, қарам эгаси эканлиги, инсон зотининг мақсади унинг васлига етишишга бўлган иштиёқи, биз яшаб турган ашёвий олам унинг тажаллийсилиги, ахлоқий қамолот, катта-ю кичик гуноҳлардан покланиш, Оллоҳ ризосига монанд келадиган мақомга эришиш тўғрисида тасаввуфий фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Аҳмад Яссавий тасаввуф таълимотининг оддий вакили бўлиб қолмасдан, балки тасаввуф тизимида ўзининг Яссавия тариқатини яратган мутасаввиф саналади. Бу тариқатни тасаввуфнинг бошқа тариқатларидан фарқланиб турадиган баъзи жиҳатларига мухтасар тарзда тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Биринчидан, Яссавия Нақшбандия тариқатига нисбатан Мансур Халлож (858 – 922) тасаввуфига бир мунча яқинроқ бўлса-да, унинг “Анал – Ҳаққ” қаби ўта исёнкор даъвосини мўътадил шаклда давом эттиришга ҳаракат қилади. Иккинчидан, илк мутасаввифлар (Робиъа, Боязид Бистомий, Мансур Халлож ва бошқалар) диний-тасаввуфий қарашларида ихлос мақоми, яъни жаннат ҳузур-ҳаловатларидан кўра Оллоҳ

¹ Аҳмад Яссавий. «Ҳикматлар» Т., 1991, 51-б.

васлига етишиш устун қўйилган бўлса, Аҳмад Яссавий бу иккала жиҳатларни бир-бири билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилади. Учинчидан, яссавияда дарвиш-қаландарлар, зоҳидлик мақомлари аниқ даражада сақланиб қолган. Тўртинчидан, зикр масаласида у нақшбандиядан фарқланиб туради. Агар нақшбандия тариқатида зикри ҳуфийя – пинҳоний зикр қабул қилинган бўлса, яссавия тариқатида аксинча, зикри жаҳрия - баланд овоз билан ижро этиладиган зикр муҳим талаб – қоидага айлантирилган ва ҳоказо.

Аҳмад Яссавийнинг тасаввуф таълимотида борлиқ масаласи ваҳдоният – яккахудолик таълимоти нуқтаи назаридан туриб ҳал этилади. Оллоҳ – холиқ, барча нарсаларнинг яратувчиси. Ҳамма нарсалар у туфайли яратилади ва пировард оқибатида унга қайтади. Лекин Аҳмад Яссавий холиқ билан “ҳалқ”ни бир-бирига қарама-қарши турган, зиддиятли жиҳатлар қилиб қўймайди. Оллоҳ бу оламни беҳудага яратмаган, у аниқ мақсадга бўйсунди. Заковатли бандалар аён, яъни шуҳуд оламида содир бўлаётган ҳодисалар, мўъжизаларда илоҳий ҳикматнинг изларини пайқаб олади. Бунга мисол тариқасида қуйидаги мисраларни келтириш мумкин:

*“Эрни кўрдим эргашидим, истагимни сўрдим,
Барчаси сенда деди, қолдим ҳайрон ичида.
Ҳайрон бўлибон қолдим, беҳуш бўлибон толдим,
Ўзимни дардга солдим, топдим дармон ичинда.
Мискин Хожа Аҳмад жони ҳам гуҳардир, ҳам кони,
Жумла анинг макони, ул ломакон ичинда”*.

Аҳмад Яссавийнинг ваҳдоният таълимотига бўлган муносабатидан кўриниб турибдики, у мавжуд ашёвий оламга нурсиз, ҳеч қандай моҳиятга эга бўлмаган, биронта нарса сифатида қарамайди. У яратганнинг чексиз макони деб талқин қилинади. Демак, Худо коинотда, барча мавжудотда, жумладан ҳар бир инсонда ўз аксини топади. Бундай фикр-мулоҳазалар аслида тасаввуфнинг барча тариқатларида учраб турадиган қарашларга хос бўлиб, тарихий даврларда муҳим аҳамият касб этиб келган. Лекин, шунга қарамадан, мутафаккир фалсафий қарашларини олам ва Оллоҳни

пантеистик тарзда талқин қилиш (Худо билан табиат айнан бирдайдир, бири-бирига мослашиб туради, чамбарчас бир бутунни ташкил этади, дейиш), Худо билан инсон, табиатнинг ўзаро кескин рақобатини бартараф этишга уринишлар, бизнинг фикримизча, сезилмайди. Аслида, Аҳмад Яссавий қарашларига кўра, аён олам мустақил борлиқ сифатида гавдаланмайди, у Оллоҳнинг улуғ мақсадни кўзлаб яратган воситасидир, холос. Шундай экан, яратган билан яратилган инсон ва табиат ўртасида қандайдир рақобат мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Ислом анъанасига кўра борлиқ ўн саккиз минг оламдан иборат. Лекин шу билан бир қаторда, мавжудлиги эътироф этиладиган оламлар тасаввуфда, жумладан, Аҳмад Яссавийда ҳам қуйидаги кўринишларда тасниф этилади: олами асгар – энг кичик олам – инсон; олами барзах – аён, ашъвий олам билан охират орасидаги олам; жабарут олами – улуғлик ва қудрат олами; олами кабир – энг буюк олам, яъни коинот олами; олами амр – Оллоҳнинг амри билан барча нарсаларнинг мавжудлигини таъминлайдиган олам; олами арвоҳ – руҳлар олами; олами асбоб – сабаблар олами, яъни биз яшаб турган дунё; олами ғайб – ғайб, гўзаллик олами; олами кавни фасод – бузуқлик олами; олами лаҳут – улуҳият олами; олами маъно – маънолар олами; олами малакут – малаклар олами; олами насут – махлуқлар олами; олами шахуд – кўринадиган олам, аён олами; олами зуҳур – ашённинг зуҳурланиши олами.

Тасаввуфнинг тариқатларида бўлгани сингари, Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар» асарида ҳам билиш муаммоларига эътибор қаратилган. Унинг қарашларида инсоннинг ўзлигини билиб олиши барча масалалардан устун туради. Бунинг боиси шундаки, Аҳмад Яссавийнинг таъбирича, “ўзини билса эрди Ҳақни билади, худодан кўрқади-ю инсофга келади”. Лекин Ҳаққа етишиш осон эмас, бунинг ўзига хос қийинчиликлари, сир-асрори мавжуд. Ҳар бир киши ўзининг камолотида нодонликдан фориғ бўлмоғи лозим, молу дунё даъвоси билан яшамасдан, ҳақ ва ҳақиқатни англаб олишга ҳаракат қилиши керакки, бу барчанинг қўлидан келавермайди.

Аҳмад Яссавий ўзининг диний-тасаввуфий қарашларида ақл истилоҳидан фойдаланганлиги маълум. Умуман олганда, ақл ақли маош ва ақли маоддан иборатдир. Ақли маош барча кишиларга хос саналса, ақли маод иймон соҳибларига тааллуқлидир. У ҳолларда кўнгил, қалб тушунчаларига мурожаат қилади, чунки тасаввуфда кўнгил Ҳақ нури жамолини намоён қиладиган кўзгудир. Шунинг учун айрим мутасаввифлар кўнгилни ҳатто Каъбадан ҳам юқори қўядилар.

Сезги аъзолари, ақл ашёвий оламни билишда иштирок этадилар. Лекин уларнинг чегара ва реал имкониятлари чекланган. Улар конкрет шароитда қандай мақомга эга бўлишидан қатъий назар, пировард оқибатда, аввало, Ҳақ ва ҳақиқатни танишга, илоҳий ҳикматни уқиб олишга хизмат қилмоғи керак, чунки Оллоҳни билиш инсоннинг ўзини билиши орқали амалга ошади.

Ахлоқ-одоб масалалари, маънавий-ахлоқий камолот Аҳмад Яссавийнинг қарашларида муҳим ўрин эгаллайди. Ахлоқ муаммоларини ҳал этишда фано тушунчаси самарали хизмат қилади. Фанонинг мухтасар ўлимини билдиради. “Ал-фано фи-т-тавҳид” Аҳмад Яссавий тасаввуфида инсоннинг худога етишишининг энг юқори босқичи бўлиб, бунда инсон ўзининг бор-йўқлигини мутлақо унутади, худонинг васлига етишишга муштоқлигини асосий мақсад қилиб қўяди. Шу билан бир қаторда, фано тушунчасини ғофиллик ва ғафлат деб аталмиш бедаво қусурлардан озод бўлиш, “манманлик”дан поклаш, иймон бўшлиғи ва “гумроҳлик” орқали кибру ҳавога қул бўлиш каби тубанликни ўлдириш маъносида ҳам тушуниш лозим.

Аҳмад Яссавий танлаган йўл ўзига хосдир. Бу йўл инсоннинг гуноҳларини, унинг ахлоқий киёфасида учраб турадиган иллат ва қусурларни, жумладан, шахсиятпарастлик, таъмагирлик, бориға қаноат қилмаслик кабиларни аёвсиз очиб ташлаш ва улардан халос бўлиш курашидир. Унинг фикрича, бу йўл ягона тўғри йўл бўлиб, у аслида “худо йўлидир”. Ҳар бир киши ўзининг ҳақиқий маънавий-ахлоқий камолотида, комил инсон бўлиб етишиши жараёнида “шайтон васвасаси”дан қутилиш

учун ўз жонини ҳам, молу мулкини ҳам аямаслиги лозим. Лекин, мутафаккирнинг ахлоқ фалсафасида бу дунёдан бутунлай юз ўгирилмайди. Чунки инсон ҳаёти учун ноз-неъматлар, кийим-кечак, турар жойнинг зарур эканлигини мутафаккир тушунмайди, дейиш ўта соддадиллик бўлар эди. Унинг мақсади, яшаш учун ейиш-ичиш, кийиниш зарур, аммо ҳазрати инсон ейиш-ичиш ва кийиниш учунгина яшамаслиги керак, яъни бойликни маъбудга айлантириб қўймаслик лозим эканлигини тарғиб этишдир. Бундан ташқари, яратганнинг инъом этган ноз-неъматларидан мутлақо юз ўгириш унинг иродасига қарши исён бўлишини у яхши тушунади.

Аҳмад Яссавийда нодонлик, баднафслик, молу мулкка ҳирс қўйиш иллатлари ва уларни шакллантирадиган омиллар кескин қораланади, улардан узоқлашишга даъват қилинади. У “толиб мен”, деб ҳаммага жар солиб, аслида эса номаҳрамларга ёмон кўз билан боқувчиларни, ўзгалар молини тап тортмасдан еювчиларни, “чин диллари” нософларни, ҳаром-харишдан қайтмайдиганларни, “кўзларида нами йўқ” - виждони азоб нималигини билмайдиган нопокларни қаттиқ қоралайди. У “охир замон” умматлари уйларини нақш қилиш билан банд нотавонлардан, уларнинг шону шавкат изидан кувиш, дунё меҳмонларнинг бир зум кўниб ўтадиган “эски работ” эканлигидан беҳабарлигидан, “бебақо дунё”дан кўз юмганлардан лоақал ибрат олмаслиги, “ўлмайман” деб ўйлашларидан, манманликка беҳад даражада берилишларидан нолийди.

Аҳмад Яссавийнинг “гуноҳ дарди”ни доимо жон-дили билан ҳис қилиб туриш талабини юзаки қараганда, ҳар хил нуқтаи назардан баҳолаш ва унга ҳар хил сифатларни тикиштиравериш мумкин. Лекин мазкур масалага бундай ёндашиш уни ҳал қила олмайди. Агар унга моҳият нуқтаи назаридан туриб эътибор берсак, унинг дини исломга эътиқод этувчилар учун муҳим аҳамият касб этганлигини сезамиз. Бундан ташқари, ҳар бир инсон, у қандай динга иймон келтириши ёки келтирмаслигидан қатъий назар, ўзини виждон дардидан фориғман, деб фараз қилмаслиги лозим. Виждоннинг осудалиги

яхши фазилатми? Агар бундай ҳолат бутун жамият учун барқарор хотиржамлик, боқибегамлик сифатида қарор топса-чи? Инсондаги виждон осудалиги, унинг суствлиги бундай кимсани ваҳший ҳайвонлар билан яқинлаштиради, унинг жамият ҳаётида барқарор ҳодиса сифатида амал қилиши эса умумий инқирознинг ҳақиқий аломатидир.

Аҳмад Яссавий тасаввуф фалсафасининг машҳур вакили сифатида бу машъум жараённинг содир бўлишини олдиндан кўра билган ва очикдан-очик ундан хавотирланган. У ўзининг бор имкониятларидан келиб чиққан ҳолда кишиларни поклик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, инсоф ва имон, Қуръон, ҳадислар ва шариатга садоқатли бўлишга ундади. Риёкорлик, боқибегамлик иймон-эътиқоднинг суствлиги бўлиб, мутафаккирнинг “чин дардлик” тамойилига зиддир. Шунинг учун у номига рўза тутиб, халққа риё қилганларни, намоз ўқиб, қўлга тасбеҳ олиб, “шайхман” дея ўзларига бино қўйганларни иймонидан жудо бўлганлар сифатида нафрат билан тилга олади. Унинг наздида “манманлик”ка берилган кишиларнинг эришган барча нарсалари фоний дунёнинг тимсоллари холос.

Мутафаккирнинг диний-тасаввуфий ва ахлоқий қарашларида гуноҳ дарди орқали Ҳаққа етиш учун кўнгилни кенг тутиш, дилозорликни гуноҳи азим деб талқин этиш хосдир. Унингча, “суннат эрмиш кофир бўлса, берма озор, кўнгли қаттиқ дилозордан худо безор”. Фақирликни одат қилиб олиш алоҳида ўрин эгаллайди. Фақирлик камтаринлик, сабр-қаноатлилик, хоксорликка қул бўлиш, баъзан эса “туфроғ” бўлмоқ тимсолида ифодаланиб келади:

*“Одам улдур фақир бўлур йўлда ётса,
Туфроқ сифат олам ани босиб ўтса,
Юсуф сифат биродари қул деб сотса,
Қулни қули ул қул не деб ҳаво килсун?”*

Мақсад Оллоҳ дея “ичга нурни тўлдирмак” экан, “ишқ боғи”ни меҳнат самараси билан кўкартирмоқ, хорликни пеш қилмасдан “шум нафси” ўлдирмоқ лозимдир. И.Ҳаққулов Аҳмад Яссавийнинг “туфроқ бўлгил, олам

сени босиб ўтсин” мисраси унга кўп маломатлар ёғилишига сабаб бўлганлигига тўхталиб, К.Валиевнинг “Сўзнинг сеҳри» номли китоби, Қуръон, Абулғозихоннинг “Шажараи тарокима” асари ва тасаввуф фалсафаси манбаларидан ишончли исбот-далиллар келтиради. Унинг таъкидлашича, “туфроқ” оддий сўз эмас, у поэтик образ. Шоир диний эътиқодига асосланиб, инсонни эзгу хулқ соҳиби, мурувватли ва илоҳий зот шарафига эришишга чақиради. “Туфроқ” ила ўзини танг тутиш нима экан? Буюклик замини. Хоксорлик пояси. Кибр, манманликдан покланиш. Инсонийлик мартабаси олдида бўлак мартабаларни назарга илмаслик”.

Инсоннинг нопокликдан халос бўлиши зарурияти тўғрисидаги тасаввуфий қарашлари ошиқ, ишқ, холис, ҳол тушунчаларида ўз ифодасини топган. Ишқ ҳусни мутлақ, мутлақ Ҳаққа бўлган чексиз ва шиддатли севгидир.

Аҳмад Яссавийнинг ижтимоий-сиёсий идеали тўғрисида фикр-мулоҳаза юритиш мушкулдир. Унинг “Ҳикматлар”ида мутафаккир орзу қилган жамият, давлат ва унинг тизими тўғрисида аниқ маълумотлар келтирилмаган. Унинг ижтимоий қарашлари, орзу-умидлари, ахлоқ-одоб, кишиларнинг ўзаро муносабатлари, иймон-эътиқод масалалари билан уйғунлашиб кетган. Аслида Хожа Аҳмад Яссавий ўз олдига жамият ва давлатни идора қилиш шакл-шамойиллари ва уларни ислоҳ қилишни мақсад қилиб қўймаган, чунки аксарият қисми ислоҳталаб одамлардан иборат жамиятни оёққа турғизиш осон иш эмас. Бундан келиб чиқадики, Аҳмад Яссавийнинг назарида ижтимоий ҳаёт жабҳаларини такомиллаштириш инсон ахлоқ-одобини, унинг маънавий-маърифий мазмун-моҳиятини ислоҳ қилиш билан бевосита боғлиқдир.

Ғаройиб манзарага дуч келамиз. Бир томондан, жамият равнақи инсоннинг комил инсон бўлиб шаклланишининг оқибати бўлиши керак. Иккинчи томондан эса, файзсиз майдонга қадалган уруғ натижа бермаганидек, барчани комил инсон мартабасига эриштириб бўлмайди,

чунки ҳар бир одамнинг табиат, мижозига қараб, белгиланган имконият чўққиси бор. Агар муайян таълим-тарбия унга йўлдош бўлса, у аввалдан белгиланган мақомнинг ҳақиқий соҳибига айланади. Тақдири азалда белгиланган мақом киши томонидан эришилган мавқенинг айнан ўзи эмас. Лекин комил инсон даражасига яқинлашган (аслида, исломий тамойилларга кўра ҳақиқий комил инсон Муҳаммад расулуллоҳдир) орифлар, валийлар жамият ривожига ва истиқболга таъминлайдими? - деган саволга тасаввуф таълимотида, жумладан, Яссавий “Ҳикматлар” асарида ҳам аниқ жавоб олиш қийин.

Унинг асарида адолат, қашшоқлар, етим-есирлар турмуши ҳақида қайғуриш, ҳақсизликни қоралаш мотивлари баъзан учраб туради. Масалан, у ўз асарида қуйидагиларни ёзади:

*“Етимни кўрсангиз, оғритмангизлар,
Ғарибни кўрсангиз, доғ этмангизлар.
Етимлар бу жаҳонда хор экандур,
Ғарибларнинг иши душвор экандур.
Ғарибларнинг иши дойим сулукдур,
Тирик эрмас, ғариб мисли ўлукдур”.*

Бундай нохуш ва ачинарли аҳволдан муаллифнинг изтироб чекканлиги аниқ, лекин уни бартараф этиш чоралари нимадан иборат эканлиги биз учун қоронғудир.

Аҳмад Яссавий таълимотига кўра мўмин қуллар, содиқлар, сидқ билан турганлар “дунёлигин сарф этиб учмоқ ҳурин кучмишлар”. Мўмин бандалар яхши амаллари туфайли охиратда очик юз билан турадилар. “Дунё менинг дегонлар”- ёлғон даъво қилган мулла-муфтилар, қози ва имомлар, ҳаром еган ҳақимлар, “олтун тахтда ўлтургон” бедавоналар ўз жазосини у дунёда оладилар. Халққа, эл-юртга зулм ўтказган бадфеъллар бандасининг жазосидан қочиб қутулиши мумкин, лекин охират азобларини четлаб ўта олмайдилар. Мутасаввифнинг жамият тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ўзига хосдир. Кўпгина муаллифлар Аҳмад Яссавийни халқ оммасини жамиятда ҳукм сураётган зулм, адолатсизликка қарши курашга чорламаганликда

айблайдилар. Дарҳақиқат, унинг асарида кишиларни тўс-тўполонларга, қирғинбаротларга отлантириш, беҳудага қон тўкиш тарғиб қилинмайди. Унинг бу борадаги қарашлари асосан Махатма Ганди ва Л.Толстой каби даҳоларнинг зўравонликка зўравонлик билан қаршилик кўрсатмаслик тамойилига жуда яқин туради.

Хулоса тарзида айтиб ўтиш жоизки, Хожа Аҳмад Яссавийнинг диний-тасаввуфий қарашлари халқимиз бой маънавий меросининг сарчашмасидан муносиб ўрин олиб, уни зийнатлантириб турибди. “Ҳикматлар”нинг тили ўзбек адабий тилининг камол топишининг асосий вазифасини адо этиб келди. Уларни мустақиллик шароитида маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол инсонни шакллантиришдаги аҳамияти беқиёсдир десак, хато қилмаймиз. Аллома илгари сурган ҳаётбахш ғоялардан ҳозирга замонавий баркамол авлодни маънавий-ахлоқий камол топтириш ишида ҳам нмли фойдаланиш мумкин.

3.2.Кубровия тариқатида маънавий-ахлоқий тарбия масалалари

Шарқ Ислом дунёсининг улуғ сиймоларидан бири, буюк авлиё, шайх, сўфийликнинг дунёга машҳур вакилларида бири, кубровийлик тариқатининг асосчиси – Нажмиддин Кубронинг тўлиқ исми – Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивақий ал-Хоразмийдир. Унинг куня (лақаб)лари – "Нажмиддин" ("Диннинг юлдузи"), "Кубро" ("Улуғ"), "Абулжанноб" ("Дунёдан четланувчи, парҳез этувчи") ва "Валийтарош" ("Валийларни тарбияловчи")дир.

Нажмиддин Кубро 1145 йилда Хива (Хоразм)да туғилган. Ёшлигиданок ҳадис ва каломни ўрганади. Сўнгра илм истаб Мисрга боради ва у ерда Шайх Рўзбеҳон Ваззон ал-Мисрийдан таълим олади. Устозининг ишончи ва ҳурматини қозониб, унинг қизига уйланади. Кейинчалик ўз илмини янада чуқурлаштириш мақсадида Табриз, Ҳамадон, Дизфулга келиб, илоҳиётдан сабоқ олади. Мисрга қайтгач, Рўзбеҳон Нажмиддин Куброни илму маърифатга тўла инсон бўлиб етишди, деб ҳисоблайди ва унга ўз ватанига қайтишни маслаҳат беради. Нажмиддин Кубро Хоразмга келгач (1185 й.), хонақоҳ куради ва ўз ирфоний мактабини яратади. Нажмиддин Кубронинг шогирдлари орасидан тасаввуфнинг таниқли назариётчилари, сўфийлик бўйича мумтоз адабиёт намояндалари етишиб чиқади. Нажмиддин Кубро мўғул босқинчиларига қарши жангда шаҳид бўлгач (1221 й.), уни Кўхна Урганчга дафн этганлар.

Кубровийлик эса, тасаввуфнинг машҳур тариқати сифатида XIII аср бошларида Хоразмда Шайх Нажмиддин Кубро асос солгандан сўнг узок йиллар дунёнинг турли ўлкаларида мутасаввифлар фаолиятида ривжланди. Кубровия тасаввуфнинг айнан Ўрта Осиёдаги мактаби бўлиб, маънавий ворислик занжири Маъруф ал-Кархий (816 йили вафот этган) орқали ҳазрати Абу Бакр ёки ҳазрати Али ибн Абу Толибга бориб тақалади. Кубровийликда тариқат аъзоларининг ягона ташкилий тизими бўлмаган. Уларни Нажмиддин

Кубро томонидан ишлаб чиқилган таълимотнинг руҳи ва мақсади бирлаштириб турган.

Кейинчалик, Шайх Нажмиддин Кубронинг шогирди Сайфиддин Бохарзий томонидан Бухоро яқинидаги Соктарий қишлоғида ташкил этилган хонақоҳ Нажмиддин Кубро номи билан аталган эди. Кубровия тариқати XVIII асрнинг охирларигача кенг тарқалди. Унинг аъзолари Нажмиддин Кубро таълимоти ва ғояларини то Хитойнинг ғарбий чегараларига қадар ёйдилар. Кейинчалик кубровийликнинг бир неча мустақил шаҳобчалари пайдо бўлди. Улар – фирдавсия, нурия, рукния, ҳамадонияи олия, игтишошия, заҳабия, нурбахшия ва неъматуллоҳия.

Асосий чизгилари юқоридагилардан иборат бўлган Нажмиддин Кубронинг ҳаёти ва тариқати ҳақида аниқ ва изчил маълумотларни жамлаб берувчи яхлит бир асар йўқ. У ҳақдаги аксарият манбаларнинг кўп қисми эса агиографик (манқабаманоқиб) ёки тазкира (антология) характеридаги асарлардир. Жумладан, унинг ҳаёти, тасаввуфий силсиласи ва айрим кароматлари ҳақидагина қисқача маълумот берувчи бундай манбалар Шарқ мумтоз ва тасаввуф адабиётида кўплаб учрайди.

Қалб, юрак, дин ва илоҳиёт соф тушунчалар ҳисобланади. Қуръони каримда «қалб» сўзи 133 марта учрайди. Тустарий, Балхий, Нурий, Термизий, Ғаззолий каби алломалар фикрича, қалб инсон ичидаги илоҳий сир бўлиб, шу туфайли инсон ҳатто фаришталардан ҳам юқори туради. Қалб нарсаларнинг туб моҳиятини кўра олади, у инсон ҳатти-ҳаракатларини акс эттирувчи кўзгу бўлиб, савоб амаллар уни нурга тўлдиради, ёмон амаллар эса, аксинча, хиралаштиради¹.

Демак, инсоннинг том маънодаги мавжудлиги унинг қалбида акс этади. Нажмиддин Кубро фикрича, қалби иймон нури билан мунаввар бўлган ҳар қандай одамни мукаммалликка интилган, ўзини яхши инсонга айлантиришга ҳаракат қилаётган шахс сифатида қараш мумкин.

¹ Ислом энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 290.

Масаланинг энг муҳим жиҳати шундаки, қалб, юрак, дил ақл билан уйғунлашгандагина у том маънодаги инсонга айланиб, шу инсониятга хизмат қилиши мумкин, зеро Арасту таъкидлагани каби ақл дил гўзаллиги билан қўшилса, фазилятга айланади, акс ҳолда ақл фазилят эмас.

Инсон қалб ва ақл уйғунлигига эришишнинг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни масаласига Шарқда, айниқса, катта аҳамият берилган. Буюк мутафаккир Абу Ҳомид Ғаззолий ўзининг “Кимёи саодат” асарида инсон танасини шаҳарга ўхшатади. Унинг айтишича, қалб, дил — бу шаҳарнинг подшоҳи. Ақл бу шаҳар подшоҳининг вазири, “Бунга ўхшаш вақтики подшоҳ - Дил вазир - Ақлнинг маслаҳати бирла иш қилса, шаҳват ва ғазабни вазир-Ақлнинг зердасти (қўл остида) ва фармонида қилса, бадан мамлакати анинг низомида бўлғусидир. Ва саодат йўлини топиб, Ҳақ таъолонинг маърифатини ҳосил қилғусидир. Дил вазир-Ақлни шаҳват ва ғазаб илигида асир қилса, бадан мамлакати вайрон бўлиб, подшоҳ-Дил ҳам асир бўлиб, бадбахт ва ҳалок бўлғусидир”¹.

Аммо, ўзбек халқи ўз миллий-маданий тараққиёти билан жаҳонда алоҳида ҳурмат ва эъзозга эга бўлган халқ ҳисобланади. Бу — эътироф этилган аксиома. Ана шу миллий-маданий бойликларни халқимиз онгишуурига сингдириш, уларнинг қалбига жо этиш асосида миллат маданий-маънавий қиёфасини шакллантириш мумкин.

Шу ўринда юртбошимиз И.Каримов томонидан берилган қуйидаги таърифга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир: «Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»².

Дарҳақиқат, маънавиятга берилган ушбу таърифда мукаммаллик мавжуд. Унда инсон, унинг фаолияти, инсон ва жамият ўртасидаги

¹ Ғаззолий, Абу Ҳомид. Кимёи саодат. Руҳ ҳақиқати. — Тошкент: Адолат, 2005. — Б. 37.

² Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Тошкент: Маънавият, 2008. — Б. 19.

муносабатлар, фуқаро ақл-идроки, виждони, қарашлари, қисқа қилиб айтганда, унинг маънавий дунёқараши тизими ўз аксини топган. Мақсад юқорида иқтибос сифатида келтирилган таърифда баён этилган ҳолатга ва сифатга эришишдир.

Нажмиддин Кубронинг ирфоний қарашларида Аллоҳ йўлида шаҳид бўлиш (юқори) мутлақ борлиқ аро азалий маъшук, идрок, укув ва мушоҳада, унинг жозибали ниҳояси бўлмиш фано мақомининг энг юқори поғонасига етишиш демакдир. Фано мақомига жон ва руҳнинг оғир машаққатлари ва қимматбаҳо инъомлари эвазигагина эришиш мумкин. Чунки, шайх Нажмиддин Кубро Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш ва қурбон бўлишни руҳий юксалишнинг энг юқори нуқтаси ва ирфоний мақомнинг энг мукаммал ниҳояси деб билади. Шунинг учун мўғул хонининг: "Бизнинг сиз ва муридларингиз билан ишимиз йўқ",-деганига жавобан: "Агар сизнинг биз билан ишингиз бўлмаса, бизнинг сизда ишимиз бор, зеро, сизни дуога чорладик. Бу балонинг сабаби - бизнинг дуо кор қилмади. Мурувват ва футувват (жавонмардлик) юзасидан келишиб олишимиз зарур: биз сиз туфайли ғазовот ва шаҳодат давлатига эришажакмиз, сиз эса биздан ислом давлатини олажаксиз"¹,- дейди.

Бу мисолдан шу нарса кўринадики, Нажмиддин Кубро эътиқоди бўйича жавонмардлик таълимоти фидойиси бўлганлиги учун ўзини Ҳақ ва халқ билан бирга деб билади. Халқ ва жамият манфаатлари шахсий манфаатларидан ҳамиша устун эканлигини кўрсатиб беради. Бу мисолда Нажмиддин Кубронинг башорати ҳам бор. "Сиз эса биздан ислом давлатини олажаксиз", деганида давлатни зўравонлик билан қўлга киритиш мумкин, аммо, эътиқодни зулм билан ўзгартира олмайсиз, балки ўзингиз бизнинг эътиқодга мағлуб бўлурсиз, деган ишора бор. Кўплаб мўғул саркардалари исломни қабул қилганлиги ҳақида тарихий манбаларида маълумот бор. Бу

¹ Ибн ал-Карбалойи Хусайн. Равзатул-жинон ва жаннатул-жинон / Нашрга тайёрловчи Жаъфар Султон ал-Қарорий. ж.2.– Техрон, 1349 ҳ.ш.

мисол ёшлар тарбиясида миллий ғурур, ватан туйғуси, халқ ва халқпарварлик каби олийжаноб инсоний фазилатларининг шаклланишида беқиёс намунадир.

Ёшлар маънавияти дабдурустдан шаклланадиган ҳодиса эмас. Унинг ўз эволюцион йўли мавжуд. Ёшларимиз маънавий дунёқарабини шакллантиришда маънавий мерос, маданий бойликлар, тарихий ва маданий ёдгорликлар муҳим ўрин эгаллайди. Қолаверса, диний ва дунёвий билимлар, миллатнинг характери, унинг салоҳияти - буларнинг бари ёшларимиз маънавий дунёқарашида муҳим, ҳал қилувчи омиллар ҳисобланади.

Шу билан бирга ёшлар маънавий қиёфасини шакллантиришда ўта муҳим аҳамиятли яна бир жиҳат мавжудки, унингсиз ҳеч қандай маънавият, маданият тўғрисида гапириш мумкин эмас. Бу – халқ тарихи, тарихий хотирадир. Тарихий хотира - миллий ғурур ва миллий ифтихор ҳиссининг заминларидан бири.

Шунингдек, тарихий хотира - аجدодлар яратган моддий ва маънавий бойликларни кишилар онги ва кундалик амалий фаолиятида қайта намоён бўлиши, эсланиши, қадрланиши ҳамдир¹.

Мустақиллик йилларида биз ўзбеклар қўлга киритган энг катта ютуқлардан бири ҳам тарихий хотирани тиклашга бўлган эҳтиёжларимизнинг қондирилиши бўлди. Юртбошимиз таъкидлагани каби, «Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир»².

Шу нарсани ғурур билан таъкидлаш лозимки, ўзбек миллий тарихи аслида маданият тарихидир. Тарих - халқ маънавиятининг асоси эканлигини қайд этган юртбошимиз И.А. Каримов шундай деган эди: «Маънавиятни

¹ Фалсафа: қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 389.

² Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 9.

тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак».¹

Миллий тарихимизга назар ташлар эканмиз, миллий озодлик ҳаракати тарихида Нажмиддин Кубронинг ўзига хос ўрни бор. Чунки у Спитамен, Томарис, Широқ, Муқанна, Маҳмуд Торобий, Бобак, Жалолиддин Мангуберди, Абу Муслим, Темур Малик, Амир Темур, Дукчи Эшон каби юзлаган халқ қаҳромонларининг ичида муносиб ўринни эгаллаб турибди. Мингга яқин мутасаввифлар ичида фақат Нажмиддин Кубронинг миллий қаҳромон даражасига кўтарилишида Шайхнинг диний – ирфоний қарашлари – футуввати муҳим рол ўйнади. Нажмиддин Кубронинг маънавий жасорати ёшларимизга ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Юқорида билдирилган фикрлардан унча муҳим хулоса келиб чиқади: биринчидан, ўзбек миллий тарихи, энг аввало, маданиятнинг тараққиёт тарихидир. Иккинчидан, миллий маънавият ўз-ўзидан ривож топмайди ва унинг асосини тарих ташкил этади. Учинчидан, тарихий хотирани тикламасдан том маънодаги ривожланишга эришиш қийин.

Ижтимоий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида мамлакатимиз фуқаролари, айниқса, ёшларнинг тарихий хотирани тиклаш борасида олиб бораётган ишлари ҳар қандай таҳсинга лойиқ. Уч минг йиллик буюк миллий давлатчилик тарихимиз ёшларимиз учун ифтихор ва ватанпарварлик омилидир. Ижтимоий-тарихий ривожланишимизнинг ҳар бир босқичи халқимизнинг мустақиллик, эрк, озодлик учун яратиш ва тараққиёт сари ҳаракат даври эканлигини ҳам англаб етдик.

Энг муҳими, ёшларимиз ҳақли равишда ўз тарихи, ота-боболар томонидан яратилган моддий-маънавий бойликлардан фахрланиш ҳуқуқига эга. Узоқ даврлар давом этган мустамлакачиликларга қарамасдан илм-маърифатли халқимиз яратиш йўлидан асло чекинмади. “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ

¹ Ўша асар. – Б. 8.

оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минерология, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ, дунёда камдан-кам топилади”,¹ - деб таъкидлайди юртбошимиз Ислом Каримов.

Нажмиддин Кубро Ўрта асрлардаги тасаввуф таълимотининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди. У ўзининг асарларида тасаввуф ахлоқининг назарий ва амалий томонларини мукаммал ишлаб чиқди ва тизимга солди. Унинг диний – ирфоний қарашларидаги илғор ғоялар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Баркамол авлодни тарбиялашда бу бой маънавий меросдан самарали фойдаланиш давр талабидир. Хусусан, унинг қарашларида халққа эътибор ва унга хизмат қилиш масаласи алоҳида ўринда туради. Гарчи Нажмиддин Кубро ўз асарларида Аллоҳга етишиш йўлида хилватнишинлик, зикр, машаққат, дунё ташвишларидан кечиш ва охиратни кўп таъкидласада, бироқ унинг тасаввуфи гўшанишин ёки таркидунё қилган зоҳидлик тасаввуфи эмас, балки халққа эътибор, меҳр-муҳаббат ва унга хизмат қилиш каби ирфоний тушунчаларининг энг муҳим қисмини ташкил қилади. У ўзининг "Одоб ус-сўфия" асарида сўфийлар (мутасаввифлар) хирқаси ҳақида шундай дейди: "Хирқа чўнтаги сир-асрор макони ва халқ паноҳидир, яъни кимки менга ўз сир-асрорини айтса, уни ошкор этмаслигим ва кимки мендан паноҳ истаса, уни паноҳимга олишим шарт, гарчи у кофир бўлса ҳам. Шунингдек, хирқа этаги тариқат йўли бўлиб, уни мусулмон биродарим устига ташлаб, уни ҳимоя қиламан"².

У мазкур китобда тариқат соликлари риоя қилиши шарт бўлган одоб-ахлоқ ҳақида гапириб, кўпчиликка нисбатан муроса, бирдамлик

¹ Каримов И. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 30-31.

² Кубро, Шайх Нажмиддин. Одобус-суфия / Масъуд Қосимий, 1-нашри. – Техрон, 1363 ҳ.ш. – С. 30.

(якдиллик), хамфикрлилик ва эҳтиромли бўлишни талаб қилади. "Жамоат ўртасида ялангоёқ бўлмаслик, бурунни қоқмаслик, оғиздан тупук сочмаслик, агар мабодо йўтал ёки акса уриш келиб қолса энг ёки қўл билан оғизни беркитиш, қаттиқ акса урмаслик, агар иложи бўлса, унинг олдини олиш ёки бир иложини қилиб ўтказиб юбориш зарур ва одамларнинг эътиборини тортадиган даражада кучли садо чиқармасликка ҳаракат қилиш лозим ва бирон хонадонга кирганда агар таҳорати бўлмаса, салом бермаслик керак, зеро "салом" сўзи Ҳақ субҳона ва таъолонинг номидир",-деб уқтиради Нажмиддин Кубро. Унингча, "саҳобаларга беҳосдан ёки тўсатдан салом бермаслик керак, чунки асҳоблар бу пайтда зикр ва фикрда бўлиб, Ҳақ таъоло билан машғул бўлиб турган бўлиши мумкин. Шунинг учун беҳосдан уларга салом бериш уларнинг ақлий-фикрий жараёнини узиши мумкин"¹.

Таом ейиш одоби ҳақида ёзади: "То жамоат таом ейишини тугатмагунча таомдан қўл тортмаслиги ва бошқаларни кўпроқ ейишга ундаши лозим. Мабодо нафл рўзаси бўлса, уни очиши, зеро, жамоанинг манфаати биринчи ўринда бўлиши керак"².

Нажмиддин Кубро меҳмондорчиликка бориш ёки меҳмонга чақириш, касалнинг ҳолидан хабар олиш, соликлар билан ҳамсуҳбат бўлиш, жума ёки жамоа намозида ҳамда жаноза маросимларида қатнашиш каби фазилатлар солик билан халқни бир-бирига боғлаб, пайванд этиб турадиган омиллар бўлганлиги учун уларни энг муҳим ибодатлардан деб билади ва уларни бажаришни тариқат соликларига тавсия этади: "Шошилиб юрмаслик керак, айниқса, кўпчилик билан юрганда, жанозага борганда, бемор ҳолидан хабар олганда, жума намози ёки бошқа намозларга борганда ҳам худди

¹ Ўша асар. – С. 32-33.

² Кубро, Шайх Нажмиддин. Одобус-суфия / Масъуд Қосимий, 1-нашри. – Техрон, 1363 ҳ.ш. – С. 34.

шундай секин-оҳиста юриш лозим, токи унинг ҳар бир қадаמידан яхшилик уфуриб турсин"¹.

Нажмиддин Кубро мутасаввифларга баъзи ибодатларни бажаришни тавсия қиларкан, ҳамиша масаланинг ижтимоий аҳамиятига кўпроқ эътибор беради. Масалан, рўза тутиш орифнинг фақир ва қашшоқ оммага нисбатан раҳм-шафқат уйғотиш омили демакдир. У "Ас-сайр вал-хайр" асарида рўзанинг ориф учун фойдалари ҳақида фикр юритиб, "оч-яланғоч кишиларнинг дардини тушунмоқ уларга раҳм-шафқат ва меҳр-муҳаббат билан муомала қилиш демакдир", - деб уқтиради.

Ҳақ томон элтувчи йўл руҳда илоҳий сифатларни шакллантириш ва такомиллаштириш йўлидир, "бошқача ибора билан айтганда, жами авлиё-анбиё ҳамда дин ва шариат пайғамбарининг бурчи - вазифалари сир - синоатидан бўлмиш илоҳий ахлоққа ўрганиш учун саъй - ҳаракат қилиш демакдир".

Мутасаввиф айтадики, илоҳий сифатлар ва хислатлар қанчалик руҳда зухур этса, солиқ шунчалик Ҳаққа яқинлашади. Нажмиддин Кубронинг ирфоний қарашларида халққа муҳаббат, мурувват ва хизмат ориф вужудида илоҳий сифатларнинг тажалли ва зухур этиш омилидир. Шунинг учун ўз асарларида бу ҳақда солиқларга таълим беради, ўзи эса халққа холис хизмат қилишдек муқаддас хислатни ҳолиққа етишиш йўлидаги энг улуғ ибодатлардан ҳисоблайди. Абул - Мафохир Яҳё Бохарзий ўзининг "Аврод ул-аҳбоб" китобида мутасаввиф ҳақида образли қилиб шундай ёзади: "Шайх Нажмиддин Кубро, унга Аллоҳнинг саломи бўлсин, катта мис жом қўйди-ю, дарвешларнинг жомларини йиғиб, ўзининг муборак қўллари билан ювди".

Ўрта асрларда Марказий Осиёлик мутафаккирлар дунёвий ва диний илмларнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар. Юксак нафосат билан йўғирилган моддий ва маънавий маданият бойликлари яратдилар.

¹ Кубро, Шайх Нажмиддин. Ас-сайр вал-хайр / Масъуд Қосимий, 1-нашри. – Техрон, 1363 х.ш. – С.34.

«Бу кўхна тупроқда,- дейди Юртбошимиз, - милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, ҳали-ҳануз ўзининг кўрку тароватини сақлаб келаётган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди»¹.

Ана шундай буюк меросни ўрганиш орқалигина том маънода ёшлар маънавий қиёфасини шакллантириш мумкин. Бундай меросни эса фақат ва фақат тарих орқали ўзлаштириш мумкин. Чунки бундай меросни ўрганмай туриб, кишилиқ жамиятида илдамлаб бориш мумкин эмас.

Дарҳақиқат, тарихни, унинг порлоқ, ёрқин кунлари билан бирга зулмат ва мустамлакачилик, айрилиқ ва йўқотишлардан иборат даврларини ҳам билишимиз бизни турли бефарқлик, лоқайдлик каби нуқсон ва иллатлардан асрайди, сергакликка ундайди. Эришилган ютуқларни, порлоқ кунларни эслаш ва фақат улардан ғурурланишнинг ўзи етарли эмас. Айни пайтда тарихимизнинг қоронғу кунларини ҳам эсдан чиқармаслик тарихий хотира учун ўта зарурдир.

Тарихдан бизга маълумки, мўғул босқинчиларига қарши курашдаги Нажмиддин Кубронинг маънавий жасорати баркамол авлодни тарбиялашда асрлар оша ибрат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Демак, ватан равнақи ғоясини ёшлар онги ва қалбига сингдиришда мутасаввиф меросидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Нажмиддин Кубронинг маънавий мероси баркамол авлодни тарбиялашда ибрат мактаби, туганмас хазина бўлиб хизмат қилади. Бу хазинадан энг катта бойлик – илм излаш ҳозирги ёшларнинг муқаддас бурчидир. Зеро, Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари айтганларидек “энг яхши дўст илм экан”, “энг гўзал безак

¹ Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 30.

тавозелик, энг хунук нарса бу бахиллик экан”, “Ўз – ўзини тарбиялай олган ва шахватлардан тийила олган киши энг кучли шахс экан”,¹ бизнинг мақсадимиз мустақил фикрлай оладиган кучли шахсларни тарбиялаб етиштиришдир. Бир томондан, Нажмиддин Кубро ўғитлари баркамол авлодни тарбиялашда муҳим рол ўйнаса, бошқа томондан, хоразмшоҳлар империясининг инқирозга учраш сабабларидан келиб чиқадиган сабоқлар, мустақилликни мустаҳкамлаш ишига амалий ёрдам беради. Тарихнинг сабоғи – шу. “Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, - деб таъкидлайди Ислом Каримов, - унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт”².

Ушбу мураккаб вазифани бажариш учун Ўзбекистонда оқилона ва одилона сиёсат олиб борилмоқда. Маънавий ҳаётимиздаги ислохотлар, жумладан, биргина 2010 йилда “Баркамол авлод йили” Давлат дастурини бажариш учун 8 триллион сўм маблағ сарфланганлиги фикримизнинг яққол далилидир³. Баркамол авлодни тарбиялашда Нажмиддин Кубро маънавий меросининг ўрни борлиги шубҳасиздир.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб, хулоса сифатида қуйидагиларни айтишимиз мумкин:

Биринчидан, Нажмиддин Кубронинг таълимотида футувват ва тасаввуф ғояларининг уйғунлашганлигини кўрамиз. Мутасаввиф ғояларининг янгилиги шундаки, у биринчилардан бўлиб футувват билан тасаввуфни бири бири билан узвий боғлашга мушарраф бўлди.

Иккинчидан, ватанпарварлик кубровия таълимотининг устувор ўзига хос жиҳати сифатида намоён бўлди. Нажмиддин Кубро фаолиятида

¹ Кубро, Шайх Нажмиддин. Рисолатун анил факри. Фақирлик ҳақида рисола. – Урганч: Хоразм, 1995. – Б. 15-17.

² Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 44.

³ Каримов И. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир // Халқ сўзи. – 2010. 8 дек.

ватанпарварликнинг назарий ва амалий жиҳатлари уйғун холда ўз ифодасини топган.

Учинчидан, Нажмиддин Кубронинг ватанпарварлиги асрлар оша букилмас ирода, иймон бутунлиги ва мардликнинг буюк тимсолига айланган.

Тўртинчидан, Нажмиддин Кубронинг инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари ибрат мактаби бўлиб, баркамол авлодни маънавий-ахлоқий тарбиясида алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

ХУЛОСА

Башар фарзандлари оламга келибдики, имон, эътиқод, умид, орзу-истак билан ҳаёт кечиради. Кимдир ўз орзусини амалга ошириш билан умр ўтказади, яна кимдир бутун ҳаётида фақат эзгулик учун яшайди, кимдир ҳаёти давомида ўз бахтини излайди, бошқа бир киши ғоя-шиор қурбонига айланди. Лекин аксар буюк тарихий шахслар, улуғлар, мутафаккирлар ҳаёт йўлига назар ташлайдиган бўлсак, улар ўз фоний ҳаёт тарзларини бирон-бир «ҳаётий дастак» асосига қурганлигини кўришимиз мумкин. Бу Муҳаммад алайҳиссалом ва Ҳожа Аҳмад Яссавийда-«Фақирлик фаҳрим», Соҳибқирон Амир Темурда-«Куч - адолатдадир», Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандда-«Дил ба ёру, даст ба кор»дир.

Мустақиллик йилларида илдам қадамалр билан маънавий ҳаётимизга кириб келиб, онгимизда ўрнашган, бизнинг кудналик ва назарий онгимизда ўз ўрнига эга бўла бошлаган тушунчалар – «тасаввуф», “маънавият” узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтган. Истиқлол йилларида бу тушунчалар жамият ҳаётига кириб кела бошлаши билан уларни илмий тадқиқ қилиш, жамиятдаги ўрнини белгилаб беришга бир қанча уринишлар бўлди.

Халқимизнинг миллий исломий ва тасаввуфий мероси, юксак исломий қадриятларини чуқур ва атрофлича ўрганиб, уларни мустақил ўлкамизда яшовчи ҳар бир инсоннинг онгига сингдириш, айниқса ёш авлодни маънавий-ахлоқий камол топтиришда, фидойӣ, миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларни фидойӣ кишилар қилиб шакллантириш ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бирига айланди.

Биз тасаввуфий қадриятларга содиқ қолиш, уларнинг жамиятда ўрнини белгилашга киришар эканмиз, уларнинг турли даврларда, турли тарихий шароитларда турлича шаклда, ўзига хос равишда намоён бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўтмишда исломий қадриятлар миллий ва умуминсоний қадриятлар алоқадорлиги зиддиятли, қарама-қаршиликларга, инсонийликка

зид тўсиқларга учраб тараққий этган бўлишига қарамай, улар, умуман олганда, тараққий этиб, ривожланиб борганлар. Давр ўтиши, вақт ва замон ўзгариши, жамият тараққиёти билан одамларнинг ҳатти-ҳаракати, турмуш тарзи, бошқалар билан муносабати, меҳр-оқибати, ўзаро ёрдами, эзгуликка интилиш, жаҳон мамлакатлари ва халқлари қадриятлари билан интеграциялашиш натижалари шакллана бори.

Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш керакки, гарчи мустақиллик йилларида маънавий-ахлоқий ва инсонпарварлик қарашларни тадқиқ қилиш, тасаввуф ва унда илгари сурилган ғояларни ўрганиш, уларни ёшлар онги ва шуурига сингдириш борасида кўп ишлар қилинган бўлса-да, ҳали булар етарли эмас. Шу вақтгача фалсафа, педагогика ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича дарслик ҳамда қўлланмаларда миллий мерос ва тасаввуфий ғоялар, ва умуман тасаввуф фалсафасига кам жой ажратилган. Уларда миллий ва умуминсоний қадриятлар тараққиётида тасаввуфнинг ўрни кенгроқ ёритилса, мақсадга мувофиқ бўлиб, ёш авлодни миллий ғоя руҳида тарбиялаш жараёнини тезлаштиради.

Юқоридаги боб ва параграфларни таҳлил қилиб ва атирофлича ўрганиб, қуйидагича хулосаларга келдик:

-Инсон камолотининг асосий негизлари унинг ёшлигида қўйилади. Ш сабабли ёшларни тарбияси юртимизда долзарб масалалардан биридир;

-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, камол топтириш барча даврларда ҳам долзарб масала саналган. Бу борада ўтмиш мтафаккирларимиздан бизга бой мерос қиолган;

- исломнинг ўзига хос йўналиши бўлган тасаввуф таълимотининг трли тариқатларида ҳам ёки бу маънода маънавий камолот, маънавий-ахлоқий тарбия масалаларига эътибор қаратилган, бу масалага доир қарашлар илгари сурилган;

-Марказий Осиё тасаввуф тариқатларида маънавий-ахлоқий баркамоллик масалаларига алоҳида урғу берилган;

-Ҳозирги кунда замонавий баркамол авлодни тарбиялашда яссавий, кубровия ва нақшбандия тариқатлари илгари сурган ғоялар, қарашлар ва амалиёт тизимидан ижодий фойдаланган ҳолда ёшларни маънавий-ахлоқий камол топтириш масалаларини ечиш ишида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;

-тасаввуфий қадриятлар ёшларни яхшиликка, ҳақиқий комил инсон бўлишга етаклайдиган муҳим омилдир.

Президентимиз мустақиллигимизнинг маънавий-ахлоқий негизлари тўғрисида тўхталиб, бу негизлар умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш; ватанпарварлик¹ эканлигини кўрсатиб ўтганлар. Миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни қайта тикланиб янада ривожлангандагина жамиятимизда ўтказилаётган ислохотлар муваффақиятли амалга ошади, чунки маънавий баркамол, маърифатли, руҳан бардам, янгича фикрлаш қобилиятига эга инсонгина истиқлол ва тараққиёт йўлини шараф билан ўта олади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. I-том. - Б. 76.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. –Т.: 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
4. Каримов И.А. Халқимиз жипслиги-тинчлик ва тараққиёт гарови. “Туркистон” газетаси, 1998 йил, 29 август.
5. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
6. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998.
7. Каримов И. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир // Халқ сўзи. – 2010. 8 дек.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. I-том.
9. Каримов И. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий африят. Т.: 2005.
10. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард маҳадимиз. Т. 8.
11. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси ҳалқни – ҳалқ, миллатни – миллат ҳилишга хизмат этсин. - Биз келажакимизни биз ҳилимиз билан ҳурамиз. 7-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1999.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўлаҳсида: ҳавфсизликка таҳдид, барҳорорлик шартлари ва тараҳҳиёт кафолатлари // Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва барҳорор тараҳҳиёт йилидан.6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
13. Ориф Усмон. Баҳоуддин Наҳшбанд ва унинг таҳлимоти ҳаҳида. – Т.: Университет, 1993.
14. Диншунослик асослари. Т.: «Ўзбекистон» , 1995.
15. Одилов Ғ. Аҳлоқий онг ва ижтимоий тараққиёт. «Ғулистон», 1997, №5.
16. Миллий истиҳлол гоҳси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
17. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи.- Т., 1999.
18. Комилов Н. Тасаввуф.- Т., 1996.
19. Абул Мухсин Муҳаммад Бақир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон.- Т., 1993.
20. Из истории суфизма: источники и социальная практика. Под ред. М. Хайруллаева. - Т.: 1991.
21. Мыминов И. Танланган асарлар. 1 жилд.- Т.: 1969.
22. Зоҳидов В. Улуш шоир ижодининг ҳалби. - Т.:1970.
23. Бертельс Е.С.Суфизм и суфийская литература. - М.: 1965.
24. Суфизм в контексте мусульманской культуры. - М.: 1989.
25. Григорян С. Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана У11-Х11. - М.: 1960.

26. Ислам. Энциклопедический словарь. М., 1991.
27. Абу Шамид /аззолий. "Эй фарзанд..". "Мовароуннашр мусулмонлари", 1993, № 1.
28. Ориф Усмон. «Хожа Абдулхоли= /иждувоний» «Муло=от», 1993, №1.
29. Быриев О. Бащоуддин На=шбанд ыгитлари. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 10.09.93.
30. Аҳмад Яссавий. «Девони ҳикмат». Т., 1992.
31. Аҳмад Яссавий. «Ҳикматлар» Т., 1991.
32. Ислом энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
33. Ғаззолий, Абу Ҳомид. Кимёи саодат. Рух ҳақиқати. – Тошкент: Адолат, 2005.
34. Ибн ал-Карбалойи Ҳусайн. Равзатул-жинон ва жаннатул-жинон / Нашрга тайёрловчи Жаъфар Султон ал-Қарорий. ж.2.– Техрон, 1349 ҳ.ш.
35. Фалсафа: қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004.
36. Кубро, Шайх Нажмиддин. Одобус-суфия / Масъуд Қосимий, 1-нашри. – Техрон, 1363 ҳ.ш.